Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади. **Муштарийларимиз сафида бўлинг!** Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 28-iyun, №28-29 (585)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://www.hurriyat.uz

ҚАРОР ТАЛАБЛАРИ НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?



Ҳар биримизнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжларимиз бозор билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, одамларнинг кайфияти кўтаринки бўлиши, руҳан тетиклиги бозорларимиздаги арзончилик ва қулайликка кўп жиҳатдан боғлиқ.

➪ 4-бет

ОҚИМГА АЙЛАНГАН УСТОЗ



Тақриз ёзиш, кимнингдир асарини баҳолаш осон иш эмас, албатта. Асарнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб бериш, тақризчидан катта тажриба ва салоҳият талаб қилади.

➪ 12-бет

"НЕЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАР ШЕЪРИМИЗ БИЗНИНГ?"



Сўз — инсоннинг бари-бари туйғуларини ифода эта олади. Барча юксак инсоний орзулар, халқ озодлиги, эрки учун кураш, аввало, сўздан бошланади. Атоқли Чили шоири Пабло Неруда ижоди, сиёсий фаолияти ибтидоси ҳам шундай бўлган эди.

➪ 14-бет

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Аввалambор, сиз, азизларни – матбуот, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Қадрли дўстлар!

Мана, ўн беш йилдирки, мамлакатимизда 27 июнь санасини миллий оммавий ахборот воситалари куни сифатида кенг байрам қилиш яхши бир анъанага айланиб қолди.

Ўтган асрнинг бошларида маърифатпарвар боболаримиз миллатни уйғотиш, унинг дардларига дармон бўлиш ғояси билан майдонга чиқиб, илк миллий нашрларга асос солган эдилар. Матбуотимизнинг тамал тошини қўйган ана шундай улуғ инсонларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун ўтган давр мобайнида ўзбек журналистикаси катта тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Бугун биз ана шу машаққатли йўлда қанча-қанча синов ва қийинчиликларни бошидан кечирган, ўзининг истеъдоди ва самарали меҳнати, ўз касбига меҳри ва садоқати билан эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонган фидойи зотларнинг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга оламиз.

Оммавий ахборот воситаларимиз улар бошлаб берган ижодий анъаналарни муносиб давом эттириб, давр талабларига тобора монанд бўлиб бораётганини мамнуният билан қайд этамиз.

Ҳаммамизга аёнки, бугун биз яшаётган шиддатли XXI асрда замоннинг ўзи, ҳаётимизга кескин суръатлар билан кириб келаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ва журналистлар аҳли олдига бизнинг эзгу мақсадимиз бўлган демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида ғоят муҳим, долзарб вазифа ва талабларни қўймоқда.

Бу ўринда гап аввало матбуотимизнинг эркинлигини таъминлаш, унинг янгиланиш ва ислоҳотлар жараёнларидаги аҳамияти, моҳияти ва таъсирини янада кучайтириш, дунёда ва мамлакатимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга ўзининг ҳаққоний ва холисона муносабатини, эътироф ва эътирозларини билдиришга қодир бўлиши, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшаши ҳақида бормоқда.

Журналист деган оғир, шу билан бирга, шарафли касбга ўз ҳаётини бағишлаган инсонлар учун юксак профессионал маҳорат, фаол ҳаётий позицияни эгаллаш, халқимизнинг қувонч ва ташвишлари билан яшаш, бугун дунё миқёсида тез ўзгариб бораётган ўта мураккаб замонда одамларимизга, эл-юртимизга муносиб маслакдош ва суҳбатдош бўлиш, уларни янги марра ва уфқларга чорлаш — албатта осон иш эмас. Буни барчамиз яхши тушунамиз ва англаймиз.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳаси заҳматкашлари, барча ижодий ва техник ходимларнинг меҳнатини қадрлаш ва рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бугунги кунда давлатимиз, жамиятимизнинг доимий эътиборида туришини унутмаслигимиз даркор.

Оммавий ахборот воситаларини халқаро андозалар даражасига кўтариш, уларнинг эркин ва мустақил фаолиятини таъминлашда муассис ва таҳририятларга фақат расмий ҳужжатларда эмас, балки амалда эркинлик, жумладан, молиявий мустақиллик бериш, айниқса, нодавлат газета ва журналлар, радио ва телеканалларнинг ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олиши учун ҳам моддий, ҳам маънавий шароит яратиш ҳозирги пайтда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Барчамизга аён бўлиши зарурки, бу вазифаларни амалга оширишда биз учун қандайдир майда ёки иккинчи даражали ишнинг ўзи бўлмаслиги керак.

Шу борада халқимиз, жамоатчилигимиз матбуот ходимларидан якка мафкура ҳукмрон бўлган мустабид тузумдан қолиб келаётган айрим эскича ёндашув ва қарашлардан, журъатсизлик ва ўткир муаммолардан ўзини четда тутиш каби ҳолатлардан бутунлай халос бўлишни, уларнинг янада шижоат ва қатъият билан фаолият кўрсатишини кутаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда медиа тармоқлари, матбаа корхоналарини замонавий ахборот-коммуникация соҳасидаги энг сўнгги ютуқларга асосланган техника ва технологиялар билан таъминлаш, айниқса, Интернет тизимидан кенг ва оқилона фойдаланиш учун имконият яратиш, моддий ва молиявий кўмак бериш масалаларини ечиш, шу асосда ушбу соҳанинг тараққиётини янги босқичга кўтариш, бошлаган ҳаракатларимизни изчил давом эттириш эътибор марказимизда бўлиши шарт.

Шу билан бирга, оммавий ахборот воситалари ходимларининг касб малакаси, ижодий маҳоратини ошириш, уларнинг жаҳон журналистикасининг илғор тажрибаларини пухта ўзлаштириши учун тараққий топган мамлакатлардаги ҳамкасблари билан алоқаларини кучайтириш, содда қилиб айтганда, ўзаро борди-келдиларни кўпайтириш бўйича тегишли шароит туғдириб бериш ҳам ана шундай муҳим вазифалар қаторига киради.

Ишонаманки, бугунги байрам муносабати билан марказда ва жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва мулоқотларда журналистларимиз уларнинг меҳнати натижаларидан баҳраманд бўладиган муштарийлар, кенг жамоатчилик вакиллари билан бирга матбуотимиз олдида турган мана шундай долзарб вазифалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб олиш имконига эга бўладилар.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги байрамингиз билан яна бир бор қутлар эканман, фурсатдан фойдаланиб, матбуот соҳасига кўп хизматлари сингган муҳтарам фахрийларимизга, яна узоқ йиллар орамизда юринг, соғ-омон бўлинг, деб ўз ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, янги ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Фахр ва ифтихор туйғуси



Ўзбек миллий матбуоти тарихи ҳақида гап кетганда, миллий матбуотимиз равнақига тамал тошини қўйган кўплаб зиёлилар, эркпарвар боболаримиз фаолият кўрсатган миллий матбуот нашрлари кўз ўнгимизда гавдаланади. Зеро, 1906 йил 27 июнь куни ўзбек тилидаги илк газета — "Тараққий"нинг биринчи сони чоп этилган. Юртимизда миллий матбуотнинг юзага келиши айнан шу сана ва газета билан боғлиқ.

(Давоми 2-бетда.)

ДАЛОЛАТ

Ўзбекистонда «Ёшлар йили» давлат дастурида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 1,5 триллион сўм (тахминан 1,1 миллиард АҚШ доллари) ажратиш назарда тутилган.

Манба: **www.gzt.uz**

Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси "Йилнинг энг фаол журналисти — 2007" танлови ғолибларини эълон қилади:

Танлов ғолиблари:

Раҳима РАҲМАТОВА — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Ёшлар" телерадиоканали масъул муҳаррири — Ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси мавзусидаги туркум радиоэшиттиришлари учун

Саид РАҲМОНОВ — "Халқ сўзи" газетаси мухбири — Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни ёритишга ва ёш авлодни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашга бағишланган мақолалари учун

Шукирбай СИПАТДИНОВ — "Қарақалпакстан жаслары" газетаси мухбири — (Қорақалпоғистон Республикаси) Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, ёшлар ҳаёти, халқ саломатлиги, тадбиркорлик масалаларини ёритган мақолалари учун

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ — "Тошкент ҳақиқати" газетаси бўлими мудири — Ёшларга бағишланган туркум мақолалари учун

Ольга ЩЕТИННИКОВА — "Голос Узбекистана" газетаси мухбири — "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши кенг ёритилган мақолалари учун

Иномали ЯВМИТОВ — Ўзбекистон Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси Ахборот маркази "Ҳудуд" ахборот таҳлилий дастури муҳаррири — Ижтимоий мавзудаги кўрсатувлари учун

Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлдилар:

Сайёра АБДУЛЛАЕВА — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг "Тошкент" телерадиоканали катта муҳаррири

Карахан ЖУРАЕВ — "Нурлы жол" газетасининг жамоатчи мухбири

Фаррух ЖАББОРОВ — "Ҳуррият" газетаси бўлими мудири

Навбаҳор МАМАЖОНОВА — "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" информацион кўрсатувлар бош муҳарририяти шарҳловчиси

Ҳикоят МАҲМУДОВА — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг етакчи муҳаррири

Раҳшона ТОШПЎЛАТОВА — "Туркистон пресс" нодавлат ахборот агентлиги шарҳловчиси

Муҳсин ЮСУПОВ *(Фарғона вилояти)* — "Мулоқот" нодавлат телеканали муҳаррири

Мавлуда ҚОСИМОВА — "Маҳалла" газетасининг масъул котиби

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ — "XXI аср" газетасининг ўз мухбири

Норбўта ҒОЗИЕВ *(Қашқадарё вилояти)* — "Адолат кучи" газетаси муҳаррири

СУҲБАТ

Эркинлик саодати

Эркинлик саодати ила матбуот ва сўз эркинлиги чинакам олий қадриятга айланди. Айнан мана шу жамият қадриятларини янада кенг қамраб олиш, ўз вақтида эркин муносабат билдириш учун Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан кўрсатилаётган эътибор ва рағбат нафақат оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳаётида, балки мамлакат ҳудудларидаги матбуот нашрларининг фаолиятида ҳам катта аҳамият касб этмоқда.

Буни ўтган давр мобайнида фонд фаолияти давомида амалга оширган самарали лойиҳалари, матбуот ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган тадбирлари кўрсатиб турибди.

Биз Фонднинг ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларининг кўлами, янги лойиҳаларининг режаси билан яқиндан танишиш мақсадида фонд директори Жамолиддин Ҳакимов билан суҳбатлашдик.

— Жамолиддин ака, фонд дастурида кўзда тутилган асосий мақсадларни амалга ошириш учун қандай янги лойиҳалар устида изланишлар олиб борилмоқда?

— Фонд ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларнинг кўлами кенг, яъни Ўзбекистонда мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган, демократик ва замонавий стандартларга жавоб берадиган босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг шаклланиш жараёнини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий техника базасини ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашдан иборат. Амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа шу мақсадларга қаратилган. Хусусан, бугунги кунда иш олиб борилаётган янги лойиҳалар кўлами асосан уч йўналишни қамраб олади.

Биринчи йўналиш таҳририятлар фаолиятини замонавий андозалар даражасида юксалтиришга қаратилган. Бозор иқтисодиёти таҳририятлар бошқарув тизимини ҳам қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Бундай шароитда таҳририят учун фақат ижодий ходимлар эмас, балки маркетинг, менежмент бўйича малакали ва ишбилармон мутахассислар керак. Мақсад-вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш, мамлакат ва дунё ахборот муҳитида ўз нуфузига эга бўлиш учун ҳар қандай ОАВ биринчи навбатда иқтисодий мустақиллик ва молиявий барқарорликка эришиши, фойда келтирувчи бизнес-тузилма сифатида шаклланиши лозим.

8»

ДУНЁ СИЁСАТИ



Ўзини айбдор деб ҳисобламоқда

БМТ Бош котиби ўринбосари Дэвид Венесс истеъфога чиқишини маълум қилди.

У ўтган йили Жазоирда халқаро ҳамжамият ходимларининг хавфсизлигини таъминлай олмаганини ўз зиммасига олди. Ўтган йили 11 декабрда террорчилар Жазоирдаги бир неча БМТ идораларида портлашлар уюштиришганди. Натижада халқаро ҳамжамиятнинг 17 ходими ҳалок бўлганди.

Жорий йил февраль ойида Пан Ги Мун Жазоирдаги теракгга ойдинлик киритиш учун мустақил экспертлардан иборат гуруҳи тузганди. Ушбу гуруҳ ҳисоботида айтилишича, Жазоирда БМТ ходимлари хавфсизлигини таъминлашга яхши эътибор берилмаган. Шундан сўнг ушбу воқеага ким айбдор эканлигини ўрганиш ва қандай чоралар қўллашни ўрганиш учун махсус комиссия тузилди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Бугуннинг нафаси

- 23 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари ва кенг қамровли ўзгаришлар билан танишиш мақсадида 20-21 июнь кунлари Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида бўлди.**

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси 2008 йил 27 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

- **Ўзбекистон Миллий матбуот марказида босма оммавий ахборот воситаларида медиа-бизнес юритиш асосларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**
Тадбир доирасида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг лойиҳа-гранти асосида нашр этилган "Босма оммавий ахборот воситаларида медиа-бизнесни юритиш асослари" қўлланмасининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

- Шу йилнинг 26 июнь куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида "Гиёҳвандликка – қаршимиз, соғлом турмуш тарзи – тарафдоримиз!" мавзусида ёшлар фестивали ўтказилди.

- **Сирдарё вилояти Оқолтин туманида бу йил касб-ҳунар коллежларини 376 йигит-қиз тамомламоқда. Уларни иш билан таъминлаш мақсадида туман Бандликка кўмаклашиш маркази ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Шу куни 143 йигит-қиз ишли бўлди. Қолган ёшларга меҳнат қонунчилиги бўйича маслаҳатлар берилди.**

- Сурхондарё вилоятидаги «Ангорарғалит» масъулияти чекланган жамияти қошида янги корхона иш бошлади. Бир ойда икки минг квадрат метргача мармар тайёрлайдиган ушбу корхонада йигирма киши иш билан таъминланди. Мустақиллик байрамигача шифер ишлаб чиқарадиган ва жунни қайта ишлайдиган корхоналарни ҳам ишга туширишга ҳозирлик кўрилмоқда. Ихчам ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхоналарда юздан ортиқ киши ишга жалб этилади.

- **Фарғона шаҳрида компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг минтақавий саралаш босқичи якунланди. Мусобақада Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидан 400 нафар ёш геймер белгиланган йўналишлар бўйича ўзаро куч синашди.**
Стратегик-фантастик йўналишда умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти геймерлари ғолибликни қўлга киритган бўлса, автомобиль трассаси бўйлаб ҳаракатланиш ўйинида фарғоналик ёшлар пешқадамлик қилди.

- Жиззах шаҳрида бунёд этилаётган «Ёшлар шаҳарчаси»да гимнастика саройи фойдаланишга топширилди. «Ёшлар шаҳарчаси»да қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Айни пайтда лойиҳа асосида шаҳарчанинг рамзий дарвозаси, Ёшлар сайилгоҳи, Ёшлар боғи ва Ёшлар маркази каби қатор маданий-маиший иншоотларни қуриш ниҳоясига етказилаётир.

- **Навоий вилояти Учқудуқ туманида «Учқудуқ кристал» ош тузини қайта ишлайдиган кичик корхона иш бошлади. Корхона ойига 75 тоннагача сифатли ош тузи тайёрлаш қувватига эга. Хомашё туман марказидан унча олис бўлмаган «Лавликон»дан келтирилмоқда.**

- «Марғилон бахмали» хусусий корхонасида ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш, ички бозор талабларини ўрганиб бориш ўз самарасини бермоқда. Бу ерда тайёрланаётган беш хил рангдаги сифатли ва арзон бахмалга буюртмалар кўпайиб бораётир.
Шу йилнинг биринчи чорагида 75 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхонада 98 киши доимий иш билан таъминланган.

Ҳожиакбар ТЎҒОНОВ
тайёрлади.

ДИЛ СЎЗЛАРИ

Маърифат – жамият таянчи



"Маърифатни мен инсоннинг дардини англаш даражаси деб биламан. Одамзотнинг дардларини англайдиган ва англаганларига иш кўрадиган зотларгина чин маърифат эгаси бўладилар. Бошқача маърифат йўқ ва бошқача зиё йўқ. Зиёли ҳам йўқ" деб ёзади таниқли адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров ўзининг "Ҳаё — халоскор" китобидан ўрин олган публицистик асарларидан бирида.

Бу сатрларни такрор-такрор ўқирканман, кўнглимдаги "Журналист аслида қандайин қалб соҳиби бўлмоғи керак?" деган саволга жавоб топгандек бўламан. Журналист энг аввало инсоннинг дардларини тинглаб, бу оғриқларни ўз вужуди ва руҳиятидан ўтказа олмас экан, унинг сўзи ҳам, чиқишлари ҳам қуруқ ва мажолсизлигича қолаверади. Одамзотнинг аламларики йиғила-йиғила жамиятдаги хатоликларни вужудга келтирар экан, бир юракнингки оҳларини ҳис этмаган жон даврнинг, Ватаннинг ғамларини қаердан тушунсин? Демоқчиманки, журналист деган номни кўтариб юрган шахс, энг аввало, инсон дардларини англай олиши лозим. Ижодкор битта жумласи билан оламни ўзгартиришга чираниши шарт эмас. Ёки бир чиқиши билан қайсидир нуқтадаги номувофиқликлар илдизига болта ура олиши ҳам нотабиий ҳолат. Лекин маърифатнинг нури разолату қабоҳат, хусумату адолатсизликларга қарши энг кучли қурол бўлгани мисол, олимимиз тилга олган зиёни жону жаҳонига сингдирган журналист маърифий йўл билан курашишнинг шарофатли усулини топа олади. Шунинг учун ҳам уларнинг меҳнатлари қадрли, уринишларида келажакнинг ёруғ шуълалари бор. Журналист барча жабҳаларга ўша соҳанинг фидойиси бўлиб кириб бора олади. Демакки, жамиятимизнинг қайсики нуқтасида ривожланиш бор ўша ерда журналистиканинг хизмати бисёр.

Мен барча ҳамкасбларимни, хусусан, "Оммавий ахборот воситаси" дея аталувчи қайноқ жараёнда меҳнат қилаётган журналист хотинқизларимизни касб байрамлари билан қутлаб, уларни машаққатли ва хайрли ишларига барака тилайман. Маърифат инсоннинг дардларини англаш даражаси экан, ана шу даражани юқори тутгучи замондошларимиз сафини кенгайишида сўзсиз журналист ва журналистиканинг ўз ўрни бор. Барчамизга ана шундай эзгу амалга бахшида қисмат битилгани муборак бўлсин!

Ойбуви ОЧИЛОВА,
«Маърифат» газетасининг
бўлим мудири.



Даврнинг ўзи талаб этаётганидек, бугунги куннинг журналисти, аввало, билимли, дунёқараши кенг, ҳақиқий фуқаролик позициясига эга, жаҳонда рўй бераётган ҳар бир воқеа, ҳодисага холисона, мустақил фикрни билдиришга қодир шахс бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам журналистикада ишлайман деган одамга унинг барча заҳмату машаққатларини англаб, зиммасига олиб, кейин соҳага қадам қўйиши талаб этилади.

Ижод — машаққатли, аммо завқли

Албатта, чиройли иборалар билан касбимизни кўкларга кўтариб, ёшларга журналист ундай, ижодкор бундай бўлиши керак, дейиш ҳам мумкин. Лекин халқимизда инсоннинг сўзларига эмас, ишига қараб баҳо бер, деган нақл бор. Чунки бу мақол негизида шахснинг жамиятга, унда яшовчи одамларнинг ҳаёти, тақдири ва келажагига бўлган эътибори мужассам.

Мавриди келган экан, бир гапни айтиб ўтишим керак, журналистика жамиятнинг маданий-маънавий, ижтимоий ҳаётини турли хил эзгу ғоялар билан бойитадиган соҳа.

Албатта, бу йўлда ижодкорнинг асосий қуроли — сўз. Эзгуликнинг амалга ошишида айтилган муҳим сўз. Асосийси, биз айтаётган ҳар бир сўз кимгадир далда, ким учундир руҳлантирувчи, энг муҳими фойдали бўлиши керак.

Бугун эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан кетаётган халқимиз учун улар талаб этаётган вазифани уддалай олсак, ютуғимиз шу назаримда. Журналистика соҳасида озми-кўпми ишлаб, яна бир нарсани тушуниб етдимки, халқнинг ҳурматини қозониш осон иш эмас, лекин уни сақлаб қола билиш ундан-да қийин. Барча ҳамкасбларимга эл ҳурматига сазовор бўлишни ва уни йўқотмасдан, одамларнинг олдида юзимиз ҳамиша ёруғ бўлиб юришини тилайман.

Гулмира МУСАЖОНОВА,
"O`zbekiston" телерадиоканали
Маданий-маърифий ва
бадиий-дам олиш
дастурлар бош муҳарририяти
катта муҳаррири.



Фахр ва ифтихор туйғуси

(Бошланиши 1-бетда.)

Мустақилликка эришгач, матбуот ва сўз эркинлиги чинакам қадриятга айланиб, 27 ИЮНЬ — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни ўзгача шукуҳ билан нишонланиб келинмоқда. Энг қувонарлиси, ҳар йили Юртбошимиз матбуотимиз вакилларига самимий табрик йўллайдилар.

Кеча Ўзбек Миллий академик драма театрида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Президентимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Бу табрик ОАВ ходимларига алоҳида масъулият юклаш билан бирга фахр туйғусини уйғотди. Қалблардаги бу ифтихор туйғуси бежиз эмас, албатта.

Мустақиллик шарофати билан матбуотимиз йилдан-йилга ривожланиб, замонавий технологиялар кириб бормаган бирорта таҳририят қолмади ҳисоб.

Юртбошимизнинг Фармойишига асосан, бу йилги тантанада 30 нафар фахрий журналистларга узоқ йиллик самарали фаолиятлари ва ёш журналист кадрларни тайёрлашдаги хизматлари учун пул мукофоти топширилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов барча матбуот ходимларини қутлар экан, «Йилнинг энг фаол журналисти – 2007» танловининг ғолибларини эълон қилди.

Тадбирда Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан оммавий спорт тарғиботи бўйича фаолият кўрсатган журналистлар ҳам алоҳида тақдирланди.

Биз «Йилнинг энг фаол журналисти – 2007» танлови ғолибларининг ҳаяжон ва миннатдорчилик туйғуларига ҳамдам бўлиш учун уларнинг айримларини суҳбатга чорладик.

Шукирбай СИПАТДИНОВ, «Қарақалпакстан жаслары» газетаси мухбири:

– Ҳаётда шундай лаҳзалар бўладики, буни сўз билан ифодалаб бериш қийин. Камтарона меҳнатимни шундай юксак мукофотга лойиқ кўришганлигидан бошим кўкка етди. Буни, албатта, келгусида ёзган мақолларим билан оқлашга ҳаракат қиламан.

Ольга ЩЕТИННИКОВА, «Голос Узбекистана» газетаси мухбири:

– Шундай юксак мукофотга муносиб кўришганлиги учун аввало танлов ташкилотчиларига миннатдорчилик билдираман. Бу мукофот, албатта, катта масъулият ҳам юклайди. Бундан кейин ҳам фаолиятим давомида халққа, жамиятга нафи тегадиган мақолалар ёзишни бурчим деб биламан.

Навбаҳор МАМАЖОНОВА, «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион кўрсатувлар бош муҳарририяти шарҳловчиси:

— Юртбошимизнинг журналистларга йўллаган табриги мени қувонтирди. Бу ижодкорларга бўлган катта ишонч ва масъулиятдир. Фурсатдан фойдаланиб, танловда совриндор бўлган барча ҳамкасбларимни табриклайман. Бу мукофот барчамизга ижодий куч-қувват бағишлаш билан бирга дадил фикр айтишга ҳам чорлайди. Бундан кейин ҳам халқимизга манзур бўладиган кўрсатувлар тайёрлашга ҳаракат қиламан.


Ҳа, юқорида ҳамкасбларимиз таъкидлаганларидек, ишончни оқламоқ барча қалам аҳлининг бурчидир.

МУХБИРИМИЗ

Суратларда: «Йилнинг энг фаол журналисти — 2007» танлови ғолибларидан бир гуруҳи.
Абдувоси ХАЙДАРОВ олган сурат.

ҚЎҚОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан қизғин табриклайди. Шарафли иш фаолиятингизда ҳамиша омад ёр бўлсин, қадрли журналистлар!



Вилоятимизнинг оловқалб қалам аҳлини, барча ОАВ вакилларини касб байрамлари билан муборакбод этамиз. Бахт, омад ва ижодий парвозлар Сизларга доимо эш бўлсин.



"Ўзбекистон почтаси" очиқ акциядорлик жамияти Хоразм филиали жамоаси

МУНОСАБАТ

ІРОТЕКА BANK

Акциядорлик-тижорат "ИПОТЕКА БАНК"


Мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ишларни дунё минбарига олиб чиқаётган барча ОАВ ходимлари ва журналистларни «Ипотека банк» жамоаси самимий қутлайди. Машаққатли касб эгалари бўлган ОАВ ходимларининг юрт тараққиёти ва мамлакатимиз истиқболи учун қўшаётган беназир ҳиссасини эътироф этган ҳолда уларга

бахт-саодат, оилавий хотиржамлик ва ижодий баркамоллик тилаймиз!



МУЛОҲАЗА

Бедор сўз хосияти



Кўникиб яшаш кулфатидан ортиқроқ фожиа йўқ. Бундан йигирма йилча бурунги газеталаримиз тахламини варақласам, ана шу кулфатга дуч келавераман. Мақолалар, репортажлар ва ҳатто бадиий лавҳаларимизда ҳам ўзга тил ҳукмронлигини яққол сезиш мумкин. Оддий хабарларда ҳам замонни улуғлаш оҳанги уфуриб туради, ва энг ёмони, барчаси қуруқ расмий, аниқроғи, ўлик тилда баён этилади.

Гарчанд биз ўша ҳолатнинг ичида яшаган бўлсак-да, унга ўн етти йил беридан туриб назар солсак, жуда эриш туюлади. Албатта, бу эришликнинг бош сабаби бизга Истиқлол берган улуғ неъмат ва имкониятдир. Шу даврда тилимиз ёт унсурлардан тозаланди, тафаккуримиз ўзгарди, дунёдаги воқеаларга эндиликда бошқача, яъни эркин ва ҳур назар билан қарай бошладик. Энди бу воқеалар биздан ташқарида эмас, бизнинг ичимизда яшай бошлади. Фаластинлик боланинг кўзларидан томаётган ёшга, ҳабаш фарзанди чекаётган нолага, баччаи афғоннинг гарданидаги кулфатларга илгаридек бефарқ эмасмиз. Жаҳонаро минбарлардан туриб, уларга ўз муносабатимизни билдиришимиз, ширин сўзларимиз билан кўнглини кўтаришимиз, зарурият бўлганда амалий ёрдам ҳам кўрсатишимиз мумкин.

Бугун ўзбекнинг сўзи тоза ва мафтункор оҳангларда ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ бўлиб дунё бўйлаб кезиб юрибди!

Бугун мамлакатимизда чиқаётган нашрлар шунчалик кўпайдики, ҳатто уларнинг номини эсда сақлаб қолиш ҳам мушкул. Телекўрсатувлар, радиоканаллар — хоҳлаганингни кўр, хоҳлаганингни эшит. Журналист тайёрлайдиган олий даргоҳлардан учирма бўлаётган ёшлар икки-уч хорижий тилда бемалол гаплашади. Бугун улар компьютернинг ичида яшашади, десам, гапимни муболағага йўйманг. Ана шу ёвқур ёшларимиз туфайли Шотландияда туғилган эгизакнинг «инга»сини дақиқа ўтмай Тошкентда эшитиш мумкин. Ёки алжабр, илми нужум ёхуд илми ҳандасада океанортидагиларни-да ҳайратга солаётган ўзбек фарзанди тўғрисидаги хабар зум ўтмаёқ етти иқлимни тутади.

Булардан қувонмай бўлмайди. Севинмай бўлмайди. Аммо улуғ шоирларимиздан бири таъкидлаганидек, ирғай асони қари толга суяб, сўрига ёнбошлаб, кори дунёни хаёлдан ўтказсанг, беихтиёр «Эҳ, ҳозирги ёшлар», деворганингни сезмай қоласан. Уларнинг аксарияти «Ўтган кунлар»ни тўла ўқиб чиқмаган, ҳазрат Навоий, Огаҳий, Фурқат ғазалларини мутолаа қила туриб, овози титрамайди, Айтматов, Думбадзе, Маркес, Хемингуэй десангиз, «Қайси командирнинг ўйинчилари булар?» дея савол назари билан боқади.

Оталар авайлаб-асраб йиққан китоблар жавонда мўлтираб қолмоқда.

Гарчанд адабиёт ёки тарихимиз барчага бирдек дахлдор бўлса-да, мен бу гапларни иқтисодиёт университетини тамомлаган ёшлар хусусида эмас, айнан филология ёки журналистика факультети битирувчилари ҳақида гапираяпман.

Биров учун биров туш кўриб бермайди. Оталар шавкати паноҳида, уларнинг соясида узоқ яшаб бўлмайди. Ҳар кимнинг соябони ўз қўлида бўлсин. Маънавияти бутун авлодни офтоб урмайди, дўл бошига қўнолмайди, йўлини сел тўсолмайди. Айниқса, журналистика соҳасида бу дарров сезилади. Чунки сенинг ёзганингни ҳамма ўқийди, ҳамма кўради, баҳо беради. Сен сўзамоллик қилаяпсанми ёки аравани қуруқ обқочаяпсанми — ҳаммаси кундай равшан.

Журналистиканинг ўттиз йиллик довонида туриб, амин бўлдимки, бу соҳа жуда катта меҳнатни, фидойиликни, қаноат ва жасоратни талаб қилар экан. Бедорликни суяр экан. Зеро, элга бедор сўз айтиш учун журналистнинг ўзи бедор бўлиши керак экан!

Бедор сўз хосиятли бўлади.

Бедор сўз уйқуни қочиради.

Бедор сўз ҳамма соҳада инқилоб яратишга қодир бўлади!

Эсиргап БОЛИЕВ,
«Халқ сўзи» газетасининг бўлим муҳаррири.

"Матбуот тарқатувчи" акциядорлик компанияси жамоаси

мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан табриклайди.

Юксак мақсадли улуғ касб эгаларига жамики яхшиликлар, эзгуликлар ёр бўлаверсин!



НАЗОРАТ

Қарор талаблари нега бажарилмаяпти?

Кимки бирор ернинг қанчалик обод эканлигини билмоқчи бўлса, энг аввало бозорларига разм солади. Дарҳақиқат, юртнинг қай даражада ободлиги ўша ерда яққол акс этади. Агар бозорларнинг кам-кўсти кўп бўлса-чи? Одамларнинг кундалик манфаатларига путур етади. Эҳтиёжини қондирмоқчи, зарур маҳсулотларни харид қилмоқчи бўлганларнинг таъби хира тортади.

Бозорларнинг талаблар даражасида бўлиши эса унга масъул бўлган бозор маъмуриятларининг катта-ю кичик нуқсонларга панжа орасидан қарамасликларига боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида давлат солиқ инспекциялари ҳамда давлат санитария ва эпидемалогия назорат марказлари зиммасига бозорлар фаолиятини доимий равишда текширувдан ўтказиш кўрсатилганига қарамасдан, бу идора ва марказларнинг фаолиятларида оқсашлар кўзга ташланмоқда. Шу боисдан яқинда Сурхондарё вилоят прокуратура органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 4 сентябрдаги "Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарларини сотилишини бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ва 2003 йил 28 июлдаги "Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари ижросининг аҳволи ўрганиб чиқилди.

Шуни таъкидлаш керакки, юқорида қайд этилган қарорларда мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахслар томонидан энг муҳими, озиқ-овқат маҳсулотлари, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, тамаки маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, мувофиқлик ва сифат сертификатлари бўлган, товарларни сақлаш ва сотиш учун санитария шарт-шароитлари ҳозирланган, савдо қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда фақат турғун савдо корхоналари орқали амалга оширилиши белгиланган.

Аҳолига ўсимлик ёғи сотиш фақат юридик шахс шаклидаги чакана савдо ташкилотлари томонидан назорат-касса аппаратлари билан жиҳозланган турғун савдо шаҳобчалари орқали амалга оширилади.

Шунингдек, бозорларда яроқлилик муддати ўтиб кетган товарлар ёки қонун ҳужжатларида яроқлилик муддати кўрсатилиши мажбурий бўлган, лекин яроқлилик муддати кўрсатилмаган товарларни сотишга қабул қилиш ва сотиш, назорат-касса машиналарининг қўлланилиши мажбурий бўлган ҳолларда уларни қўлламасдан савдо қилиш ёки хизмат кўрсатиш, деҳқон бозорларида ноозиқ-овқат товарларини турғун савдо шаҳобчаларидан ташқарида сотишнинг олдини олиш давлат солиқ идораларининг асосий вазифаси сифатида қайд этиб ўтилган.

Деҳқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилишда сотилаётган маҳсулотнинг ветеринария қоида ва нормалари талабига мувофиқлигини тасдиқловчи ветеринария-санитария экспертизаси хулосаси олиниши лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Лекин шуни афсус билан айтишимиз лозимки, ўтказилган текширишлар кўпгина ҳолларда белгиланган қонун-қоидаларга хилоф равишда иш тутилаётганини кўрсатмоқда.

Ўтказилган мониторингларда давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими, санитария-эпидемология назорат маркази, давлат ветеринария бўлими ҳамда бозор маъмурияти мутасадди ходимлари томонидан юқоридаги ҳукумат қарорлари талаблари қўпол равишда бузиб келинаётганлиги маълум бўлди.

Жумладан, Термиз шаҳридаги "Марказий деҳқон (озиқ-овқат) бозори" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ўтказилган мониторингда аниқланишича, бозорда 99 ҳолатда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кунлик лаборатория текшируви ўтказилмаган. Истеъмолга яроқли ёки яроқсизлиги аниқланмасдан сотишга рухсат берилган.

Гўшт дўконларининг ветеринария-санитария талабларига жавоб бермаслиги, сув қувури йўқлиги, айрим ҳолатларда ветеринария кўригидан ўтмасдан гўшт маҳсулотларининг савдога чиқарилишига йўл қўйилганлиги ачинарлидир. Жумладан, фуқаро Б. Ҳасанов белгиланмаган очиқ жой, яъни қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш павильонида бирон-бир рухсатномасиз гўшт маҳсулотларини сотаётганлиги аниқланди.

Бозор ҳудудида деҳқончилик маҳсулотлари билан саноат моллари аралаш ҳолда, белгиланмаган жойларда сотилмоқда. Бозорда бўш расталар бор. Лекин шунга қарамасдан сотувчилар шундоққина ерда, санитария-гигиена қоидаларига хилоф равишда ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотларини сотишмоқда. Ноқонуний равишда қўлбола ўсимлик мойи сотаётганлар фаолиятига барҳам берилмаган. Чиқиндилар ўз вақтида олиб кетилмаган. Айрим лаборантлар, жумладан А. Аҳмедов дастлабки тиббий кўрикдан ўтмаган.

Текшириш якунига кўра, вилоят давлат ветеринария бошқармаси бошлиғи, шаҳар ҳокими, бозор бошқаруви раисига тақдимномалар киритилди. Вилоят ветеринария лабораторияси бошлиғининг лабораторияси мудири Н.Алимардонов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди, лаборант Т. Нуралиевага ҳайфсан интизомий жазоси берилди, А. Аҳмедовга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди.

Шаҳар ДСИ бошлиғининг буйруғига мувофиқ Х.Аввалов ва Х. Аллақуловлар ҳам жазодан қуруқ қолишмади. Термиз шаҳар давлат ветеринария бўлими бошлиғи А.Кендаевга ҳам ҳайфсан интизомий жазоси берилди.

Шунингдек, Термиз "Марказий деҳқон (озиқ-овқат) бозори" очиқ турдаги акциядорлик жамияти хўжалик ишлари мудири Н. Саидов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди, паттачилар К.Холмуродов, Ш. Обидов ва Ф. Раҳмоновлар интизомий жавобгарликка тортилди.

Жарқўрғон туман прокуратураси томонидан ўтказилган мониторингда аниқланишича, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир ижрочи талаблари қўпол равишда бузилишига йўл қўйиб келинган.

Бозор ҳудудидан ташқарида ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилиниб, давлат стандарти талабларига жавоб бермайдиган қўл тарозиси ва тошлардан фойдаланилган. Бозор ҳудудида қишлоқ хўжалик ва озиқ-овқат моллари билан аралашган ҳолда тижорат моллари сотилишига ҳам йўл қўйилган.

Бозорда сотувчилар мева ва полиз маҳсулотларини дуч келган жойда ерга қўйиб, белгиланмаган жойларда савдо қилишмоқда. Ҳатто, аҳвол шу даражага борганки, уруғ сотиш расталарида ҳар хил турдаги заҳарли кимёвий моддалар сотилишига йўл қўйилган.

Бозор ҳудуди ва ариқлар ҳар хил турдаги чиқиндилар билан ифлосланган, чиқинди уюмлари ўз вақтида олинмаган. Бозорда чиқиндилар ташлаш учун расталар оралиғида махсус темир қутилар етишмайди. Павильон ичкарисига ичимлик суви қувури тармоғи киритилмаган. Хусусан, бозор маъмурияти якка тартибдаги тадбиркор Ж.Тоғайқуловга тегирмонда тайёрланган ун маҳсулотларини гўшт-сут павильонида сотиш учун рухсат берганини ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди.

Бозор ҳудудида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш учун 8 та раста бўлиб, улар оралиғида мева-сабзавотларни ювиш учун махсус жой ташкил қилинмаган.

Савдо дўконлари сотувчилари Ф.Худойназарова, Г.Тўлаганова, Н.Жабборова, А.Ҳайдаров, Н.Тошмуродова, Г.Жабборовалар тиббий кўрикдан ўтмаган ҳолда савдо фаолияти билан шуғулланиб келишган.

Гўшт маҳсулотларнинг истеъмолга яроқлилигига оид ветеринария врачи хулосаси бўлмаса-да, маҳсулотлар сотилиши учун бозор ветеринария врачи томонидан муҳр босиб берилиши ҳолларига йўл қўйилган. Деҳқон бозорида фермер хўжаликлари учун махсус гўшт дўконлари ажратилмаган.

Бундан ташқари, бозор ҳудудидаги ошхона ва сомсахона эгалари Г.Турсунова, Ш.Ҳайдарова, Б.Ибрагимов, А.Тўхтамишев, Ш.Маматқулова, Р.Холмуродова, Т.Мамаюсупов, Д.Абдуллаев, З.Мамаризаевалар томонидан санитария-гигиена қоидаларига мутлақо риоя қилинмаган ҳолда хизмат кўрсатиб келинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 19 июндаги 243-сонли қарорига асосан ишчи-хизматчилар орасидан кўнгилли ёнғин ўчириш дружиналари тузилмаган. Ҳудуд бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан етарлича таъминланмаган. Ёнғинга қарши сув ҳавзаси қурилмаган. Мавжуд сув минораси бир неча йилдан бери носоз ҳолда турибди.

Электр токи тармоқлари ток ускуналарини ўрнатиш қоидаларига хилоф равишда тортилган.

Автомобиллар тўхташ жойлари ташкил этилмаганлиги оқибатида бозор ёнидан ўтувчи катта магистрал йўлда транспорт қатновида тирбандлик юзага келган.

Текшириш натижасида кўра туман прокуратураси томонидан шу йил 29 май куни туман ҳокимияти вилоят "Бозор" очиқ турдаги акциядорлик бирлашмаси бошқаруви ва туман санитария-эпидемиология назорат марказига қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга шароит яратаётган ҳолатларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритилди. Ҳамда МЖтКнинг 53- ва 211-моддаси 1-қисми билан 27 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатилди.

Ҳар биримизнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжларимиз бозор билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, одамларнинг кайфияти кўтаринки бўлиши, руҳан тетиклиги бозорларимиздаги арзончилик ва қулайликка кўп жиҳатдан боғлиқ. Айрим бозорлардаги юқорида кўрсатиб ўтилган нуқсонлар ва қонунбузарликлар эса жамиятимиз равнақига тўсиқ бўлиши турган гап.

Мутасадди раҳбарлар юқорида келтирилган ҳолатларга эътибор қаратсалар, бозорлардаги шарт-шароитларни талаб даражасига келтириш учун комплекс чора-тадбирлар кўрсалар аҳолига бозор хизмати кўрсатиш маданияти янада ошган бўларди.

Муҳиддин ҚИЁМОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари,
адлия маслаҳатчиси.

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Дунё тез ўзгаради, фан-техника, янгиланишлар эшик қоқиб келаверади. Бироқ, шундай туйғу борки, у ҳеч қачон ўзгармаслиги, ибтидода қандай бўлса, интиҳода ҳам шундай бўлиши зарурлигини бугун замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Бу одамийлик туйғусидир.

ОДАМИЙЛИК ЎЛМАСИН

Гувоҳи бўлганим бир воқеа устида тўхталсам.

— Болам, манавини кўтаришиб юбор.

— Қанча берасиз бобой?

— Э, болам, пулимнинг охирини хозир ишлатдим. Йўлкирага қолди.

— Ну бобой, жа "шустрий" экансиз-ку, чиқаринг кампирдан яшириб юрган пулларингизни!

— Нималар деяпсан, ўғлим, пулим бўлса, аярмидим. Хоҳласанг дуо қилиб... Чолнинг гапи оғзида қолди. — "Пишириб енг дуоингизни!", — йигит шундай деб терс бурилди.

Қария уёқ-буёққа аланглади-да, нажот йўқлигини сезиб, зил-замбил юкини базўр кўтарди. Силкиниб-силкиниб, йўлга тушди. Шу пайт орқарокдан бир аёл етиб олди-да, ўз ёрдамини таклиф қилди. Улар секин-аста бекат томон жилишди. Шундагина хаёл кўчасига кириб, узоқ ўй суриб қолганимни англадим. Ич-ичимдан нафрат отилиб чиқди. Бу нафрат одамларнинг навқирон ёшлигини тортиб олувчи ҳаётгами, тирикчилик деган "балои бад"гами ёки оддийгина кўмагини ҳам пулга чақмоқчи бўлган қорамағиз йигитгами? Билмадим, кўпроқ таъсирчан ва томошталаб ўз кўнглимдан нафратланган бўлсам ажаб эмас. Тўғри, бир қарашда бундай воқеалар майда, диққатга ҳам арзимасдек туюлади. Бироқ игнанинг учидек жойдан сизиб чиқаётган сув, вақт ўтгани сари йўлагини тобора катталаштириб боргани каби, бу ҳолат ҳам эртага катта-катта фожеаларга замин ҳозирлаши мумкинлигини унутмаслигимиз керак.

Кўча-кўйда, бозорда, ҳатто меҳмондорчиликда ҳам тез-тез бозор иқтисодиёти терминини эшитамиз. Ёш авлод ҳам буни тез ўзлаштирмоқда назаримда. Лекин бозор иқтисодиётининг туб моҳияти зинҳор кишиларни тошбағирликка ўргатиш, ҳамма нарсани пул билан ўлчаш дегани эмас-ку.

Киракашлик қиладиган бир одамни биламан. Ҳатто ўз онасидан ҳам пул ундиради. Нима эмиш, қонун ҳамма учун баробар эмиш. Волидасининг 9 ой қорнида кўтариб юрганини унутиб, машинасида борингки 15-20 минут "сайр қилдиргани" учун пул олишни қонунга менгзаётган одамнинг гапларини эшитиб, — инсон боласи қанчалик тубан фикрлаши мумкинлигидан ачиниб кетасан киши.

Ривоят эшитгандим. Қадимда бир авлиё шогирдлари билан кетаётса, ёнларидан ниҳоятда бир хушсурат йигит тавозе билан салом бериб ўтибди. Авлиё хўрсиниб: "Афсус", — дебди. Таажжубга тушган шогирдлар устозларидан бу афсуснинг сабабини сўрашганда авлиё — "Афсус, шундай барно йигит тез орада бу ёруғ оламни тарк этади, пешонасида ўлим шарпасини кўрдим", — дебди. Орадан бир неча кун ўтгач, иттифоқо авлиё ва унинг шогирдлари яна ўша йигитни кўриб қолишибди. Йигит одатдагидек одоб билан қўлини кўксига қўйиб, салом бериб ўтибди. Авлиё тўхтаб, шогирдларига юзланиб дебди: — "Азизларим, ҳозир ҳаммангиз адашганимга гувоҳ бўлдингиз, лекин... Яратганнинг номини шафе келтириб айтаманки, ўшанда мен ҳақ эдим. Йигитни чақиринглар, нима бўлганини ўзи айтиб берсин".


— "Ҳа, рост. Ўша куни ўлишимга бир баҳя қолганди, — дебди йигит. — Шундоқ кўз ўнгимда эски чолдевор қулаб тушди. Агар сизлар билан кўришганимдан кейин кўприк ёнида бир қарияни кўриб қолиб, уни опичлаб ўтказиб қўймаганимда, борингки, шу хизматим учун 10-15 сония вақт йўқотмаганимда девор остида қолиб, яшамоқ бахтидан мосуво бўлишим аниқ эди. Чолнинг мени "бошинг тошдан бўлсин" деб алқагани ҳам қил устида турган жонимга оро кирган бўлса ажаб эмас".

Албатта, бу бир ривоят, лекин унинг замирида, маъно қатларида улкан ҳақиқатлар ётганига шубҳа қилмаса ҳам бўлаверади. Ўзини, ўзлигини таниган мамлакатларда, жумладан бизда ҳам миллий анъаналарни сақлаб қолиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Негаки, эл жипслигини, юрт тараққиётини таъминловчи восита, дунёни ўз измида ушлаб турувчи куч бу — одамийлик туйғусидир.

Иномжон АБДИЕВ

Андижон шаҳар молия бўлими жамоаси


мустақил Ўзбекистонимиз оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан қизғин қутлайди. Эзгу юртимизнинг бахту иқболи йўлидаги олижаноб ишингизда Сизларга ижодий барқарорлик тилаймиз.



BAVDOJIR BANK

АТБ "Савдогарбанк" Бухоро вилоят филиали аҳли


барча матбуот вакилларини ОАВ ходимлари куни билан табриклайди. Сиз азиз журналистларга омад, бахт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!



Самарқанд вилоят Ургут туманидаги "Муяссар Фармонова" фермер хўжалиги жамоаси

озод Ватанимиз журналистларини касб айёмлари билан қутлайди.

Жонажон Ўзбекистонимиз довруғини оламга ёйишдек улкан ва савобли фаолиятингизда Сизларга муваффақиятлар ёр бўлсин!



ТАДҚИҚОТ

ОАВ ва халқаро муносабатлар

Инсоният тамаддунидаги сўнгги 20 йил ахборот ва глобаллашув даври сифатида намоён бўлмоқда. Бугун дунёнинг нариги чеккасидаги хабар зум ўтмай дунёнинг у четига тарқалмоқда. Океанорти давлатидаги иқтисодий, сиёсий ўзгариш ундан минглаб чақирим беридаги мамлакат ҳаётига таъсир этаётир. Бугунги кунда дунё битта умумий маконга йиғила бошлади, умумяшаш, умумий рўзғор пайдо бўлмоқда. Халқлар ва давлатларнинг бир-бирига боғлиқлиги кучайди. Интеграция ва глобаллашув тўрлари дунёни ўраб олди.

Бундай шароитда, мамлакат нуфузи, унинг халқаро обрўси, имижи масаласи халқаро муносабатларда муҳим ҳисобланади. Маълумки, глобаллашув жараёнлари тезлашган бир пайтда оммавий ахборот воситалари нафақат коммуникацион вазифани, балки сиёсий юмушларни ҳам амалга оширмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг дунё ҳаётидаги, хусусан, халқаро муносабатлардаги мавқеи ва тутган ўрни нечоғли муҳимлигини даврнинг ўзи исботлаб турибди. Дунёда кечаётган сиёсий жараёнлар шуни очиқ-ойдин кўрсатмоқдаки, оммавий ахборот воситаларининг ташқи сиёсий тизимдаги роли ва ўрни тобора ошиб бормоқда. Ўз навбатида, қайд этиш керакки, матбуот нуфузи мамлакат нуфузи билан бевосита боғланган ва у фақат мамлакат мустақил бўлгандагина эркин бўла олади. Нафақат ташқи, балки мамлакат ички ҳаётида — тинч, ларзаларсиз тараққиёт ва мустаҳкам давлат қуриш йўлида унинг ўрни беқиёс.

Шамолдан тез, чақмоқдан қудратли кучга эга бўлган ОАВ глобаллашув даврида турли кучлар, турли марказлар қўлида воситага айланиб бораётганлиги бор гап. Бугун давлатлар чегаралари қурол ёрдамида эмас, ахборот кўмагида бузиб ўтилмоқда. Шундай ҳолатда ОАВ фақат дунёга ўзликни танитиш, ўзи ҳақида хабар тарқатиш воситаси эмас, ҳимоя қуроли ҳам бўлмоғи лозим.

Жамиятда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, шунингдек, ошкораликни, ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлаш, бир сўз билан айтганда, демократиянинг қарор топиши, энг аввало, оммавий ахборот воситалари фаолиятига ҳам боғлиқ.

Хуллас, бугунги кунда матбуот олдида жуда катта ва масъулиятли вазифалар турибди. Матбуотнинг бундай долзарб, жамият равнақи ва мамлакат келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи вазифаларини ўрганиш, ўз навбатида, оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ муаммоларни ҳам тадқиқ этишни тақозо қилади.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини таҳлил этар эканмиз, матбуотимизни эркинлаштириш жараёнининг ҳуқуқий, иқтисодий асослари яратилганини кузатишимиз мумкин. Лекин ҳали матбуотимиз тўлақонли "тўртинчи ҳокимият" мақомига эга бўлди, дунёдаги ахборот манбалари ва воситалари билан рақобатлашади, мамлакатимизни турли ахборот хуружларидан самарали ҳимоя қилади, дея олмаймиз. Замон шиддат билан ривожланаётган, дунёни ахборот бошқараётган ҳозирги даврда бу жиддий масала ҳисобланади.

Негаки, глобаллашув шароитида мамлакат имижи ва уни шакллантиришда ОАВ майдонга чиқади. Хорижий ва Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида мамлакат имижи билан боғлиқ масалани ўрганиш баъзи таклиф ва хулосаларни илгари суриш имконини берди.

Биринчидан, журналистика факультетларида чет тиллари ва халқаро ҳуқуқ фанини ўқитиш ишларини яхшилаш, бўлғуси журналистга битта чет тилини билиш шарт қилиб қўйилиши лозим эмасмикан?


Иккинчидан, ташқи сиёсат ва хорижий воқеаларни ёритишда политологлар, аналитиклар, экспертларни жалб қилиш тизимини шакллантириш ва буни уларнинг имижи деб қараш лозимга ўхшайди.

Учинчидан, маҳаллий ОАВнинг тил жуғрофиясини кенгайтириш ҳамда унинг тарқалиш кенглигини ҳам мамлакат ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш ва бунинг учун ҳомийлик кўмаги берилиши керак бўлади.

Қолаверса, веб-сайтлардаги мақолалар сифати ва таъсирчанлигини ошириш ҳамда рус, инглиз ва бошқа тиллардаги вариантларини кўпайтириш жоиз. Газеталар халқаро мавзудаги материалларни ахборот агентликлари қатори ўзлари ҳам уюштиришлари зарур.

Акбар ЖОНУЗОҚОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.

Самарқанд вилоят Ургут туманидаги "Ҳазраткулов Бобур Ҳамидуллаевич" фермер хўжалиги жамоаси



ОАВ ходимларини касб байрамлари билан қутлайди.

Эл-юрт равнақи йўлидаги жасоратли фаолиятингизда муваффаққиятлар ёр бўлсин!

"Ўзбекистон почтаси"
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиздаги

матбуот ва оммавий ахборот

воситалари ходимларини касб байрамлари

билан чин қалбдан табриклайди.

Уларга соғлиқ, омонлик,

оилавий тинчлик-хотиржамлик,

ижодий кўтаринкилик тилайди.



«Асака»

Давлат акциядорлик тижорат банки (ОАЖ) жамоаси

27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаа ва нашриётлар ходимларини самимий муборакбод этади.

Сиз азизларни касб байрамингиз билан қутлар эканмиз, машаққатли, айни дамда шарафли ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз.

ТАРАДДУД

Мавсумга тайёргарлик

Кейинги йилларда Сурхон воҳасининг пахтачилик соҳасида бир қатор ижобий ўзгаришлар бўй кўрсатмоқда. Бу қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғида ҳам яққол кўринади. Масалан, биргина вилоятнинг Музработ тумани мисолида оладиган бўлсак, ўтган йили туман пахта далаларида ҳосил чўғи ҳар йилгидан ҳам баланд бўлди. Аксарият фермерларнинг биринчи теримданоқ шартнома режасини уддалашга эришганлари сўзимиз исботидир. Давлатга ўтган йили 37 минг 672 тонна пахта хомашёси етказиб берилди. Туман деҳқонлари жорий йилда ҳам катта хирмон яратишни режалаштирмоқда. Далаларга иқлим шароитига мос тезпишар, ҳосилдорлиги мўл, ҳашарот ва зараркунандаларга чидамли, юқори сифатли "Бухоро-102" ҳамда "Термиз-31" пахта навлари экилди.


— Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар фермерлик ҳаракатининг ривожига катта туртки бўлмоқда, — дейди "Музработ пахта" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг раиси Хўжаназар Абдураҳмонов. — Маълумки, иқтисодий зарар кўриб ишлаган, паст рентабелли, истиқболсиз ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликларини ташкил этиш борасида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар ҳаётда ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Ернинг фермерларга берилиши, уларга яратилаётган кенг имкониятлар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар салмоғининг кўпайишига, ерга ва ўзи етиштирган неъматга эгалик ҳиссининг ошишига олиб келди.

Айни кунда Музработ туман пахта тозалаш корхонасида жорий йил йиғим-терим ишлари учун зарур бўлган барча муҳим воситалар ҳозирлаб қўйилди. Жумладан, фермер хўжаликлари учун 60 мингдан ортиқ этак, пахтани қабул қилиш масканларида ишлатиш ва пахтани ташийдиган тележкаларнинг устини ёпиш учун 8 мингга яқин шолча ҳамда 30 миллион 68 минг сўмлик бошқа керакли жиҳозларни тахт қилиб қўйишди. Шунингдек, йиғим-теримга келадиган ҳашарчилар жойлашадиган 45 та дала шийпонининг тенг ярми ҳозирлаб мавсумга шай турибди. Қолганларида ҳам таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

Корхонада иш уч сменада ташкил этилган. Бу ерда саккизта ишлаб чиқариш бригадаси мавжуд бўлиб, улар ўрта ва ингичка толали пахтани қайта ишлашга мўлжалланган. Завод қошидаги ва қишлоқ ҳудудларидаги жами саккизта қабул қилиш пунктларининг қулай жойларда барпо этилганлиги деҳқон-фермер хўжаликларини пахтани узоққа ташиб овора бўлишларига барҳам бериш баробарида, ортиқча йўл харажатларини тежаб қолишларига ҳам имкон яратиляпти.

Ўтган йили Музработ ва қўшни туманлардан йиғиштириб олинган 38 минг тонна пахта мазкур корхонада қайта ишланиб, ундан 11 минг 504 тонна сифатли тола ажратиб олинди. 18 минг 163 тонна чигит маҳсулотлари эса қайта ишлаш учун воҳанинг Денов ва Сирдарё вилоятининг Гулистон ёғ-мой корхоналарига жўнатилди. Олинган даромад ҳам чакки эмас. Агар ўтган йили 17 миллиард 190 миллион сўм даромад олинган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида бу борадаги кўрсаткич 4 миллиард 666 миллион 547 минг сўмга етиб, соф фойда 47 миллион сўмдан ошган. Мавсум ҳали олдинда эканлигини инобатга оладиган бўлсак, йил охиригача бу миқдор янада ошишига, корхона ишчилари ва теримчиларнинг турмуш фаровонлиги бундан-да яхшиланиб боришига шубҳа йўқ.

Шерали ҚОДИРОВ,
"Ҳуррият" мухбири. ®



"Ўзтрансгаз"

Акциядорлик компанияси жамоаси


озод Ватанимизнинг матбуот ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади.

Муқаддас Ватанимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик юмушлари, қўлга киритилаётган ютуқ ва муваффақиятларда матбуот ходимларининг ҳам хизматини, фидойиликларини ҳар қанча эътироф этсак арзийди. Эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин!



“Ўзнефтгазқазибчиқариш” акциядорлик компанияси жамоаси

мустақил Ўзбекистонимизнинг барча қалам аҳлини, ОАВ ходимларини касб байрамлари билан қутлайди.



“Тўртинчи ҳокимият” вакиллари сифатида эл-юрт хизматини адо этаётган жонкуяр зиёлиларимизга фақат юксак маҳорат, одиллик, холислик ва ҳамиша адолат ҳамда ҳақиқат жарчиси сифатида фаолият кўрсатишларида омад тилаймиз.

Касб байрамингиз муборак бўлсин, қадрли матбуотимиз фидойилари!

Эркинлик саодати

(Бошланиши 1-бетда.)

Мамлакат матбуот бозорида муваффақият билан фаолият олиб бораётган медиа тузилмалар ҳам оз эмас. Бироқ қатор нашрлар юз минглаб нусхада чоп этилиб, кенг ўқувчилар аудиториясига эга бўлгани ҳолда, айрим газета-журналлар катта ижодий салоҳиятга эга бўлса-да, иқтисодий мураккаб аҳволни бошдан кечираётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бунинг сабабини аксарият таҳририятларда иқтисодий-молиявий, менежментлик стратегияси ишлаб чиқилмагани, маркетинг хизмати яхши йўлга қўйилмагани билан ҳам изоҳлаш мумкин. Сўз эркинлиги кафолати бозор муносабатлари билан муштаракликда намоён бўлар экан, таҳририятларда замонавий бошқарув услубларига алоҳида эътибор қаратилиши ва бунда профессионал менежмент, халқаро стандартлар ўз ўрнига эга бўлиши лозим.

Иккинчи йўналиш журналистлар малакасини ошириш, замонавий билим-кўникмаларини кенгайтиришга қаратилган. Зеро, бу — жаҳон ахборот муҳитида миллий манфаатларни ҳимоялаш, босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларда мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтиришнинг муҳим омилидир. Айни пайтда ҳудудий нашрларда малакали ёш мутахассислар етишмаслиги долзарб бўлиб турибди. Аксарият таҳририятларда журналистик мутахассисликка эга бўлмаган ходимлар фаолият олиб бормоқда. Тўғри, уларнинг кўплари соҳага меҳнати сингган, тажрибали мутахассислар. Бироқ бугунги ахборот асрида ҳар бир журналист замонавий ахборот коммуникация технологиялари билан ишлай олиши, интернетнинг беқиёс имкониятларидан фойдалана билиши лозим. Фонд томонидан мамлакатимизнинг тўрт ҳудудида: Нукус, Андижон, Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги етакчи газета таҳририятлари қошида Журналистик маҳорат марказлари ташкил этилган ва икки йилдан бери фаолият олиб бормоқда. Бу марказларни ташкил этишдан кўзда тутилган мақсад ҳудудий оммавий ахборот воситалари ходимларини қайта тайёрлаш, яъни олти ойлик ўқув курсларида ўқитиб, замонавий билим-кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, ижодга ҳавас қўйган ёшларга журналистикадан илк сабоқларни беришдан иборатдир.

Учинчи йўналиш бевосита ёшларга қаратилган. Мамлакат журналистикасининг истиқболи бугунги талаба ёшлардир. Журналистика шундай соҳаки, унда назария ва амалиёт биргаликда олиб борилиши лозим. Негаки, тўғри олий ўқув юрти даргоҳидан таҳририятга келиб иш бошлаган ёш мутахассис тажрибасизлик оқибатида қийинчиликларга кўп дуч келиши, ҳатто бошқа соҳаларга ўтиб кетиш ҳоллари юз бериши ҳам маълум. Шу билан бирга, амалий кўникмага эга бўлмаган ёш мутахассис таҳририят томонидан қайта тайёрланишига ҳам тўғри келади. Бу эса маълум вақт олади. Шундан келиб чиққан ҳолда Фонд томонидан журналистика факультетлари талабалари учун «Маърифат», «Учитель Узбекистана», «Жамият», «Uzbekistan today», «Бизнес Вестник Востока» газеталари, «Туркистон пресс» ахборот агентлиги қошида маҳорат мактаблари ташкил этилди. Амалий машғулотлар жараёнларига журналистика факультетларининг 2-3 босқич талабалари жалб этиб келинмоқда. Ўтган бир йил давомида бу мактабларда 200 дан ортиқ талаба таҳсил олди. Жумладан, «Маърифат» ва «Учитель Узбекистана» газеталари таҳририяти қошида ташкил этилган маҳорат мактаби талабалар ўртасида катта нуфузга эга. Х.Саидов, Н.Тошпўлатова каби ҳам назария, ҳам амалиётни ўзида мужассамлаштирган тажрибали мураббий-журналистлар сабоқ берадиган бу маҳорат мактабида таҳсил олишни истаган талабалар кутилганимиздан ҳам кўп бўлмоқда ва тингловчилар суҳбат асосида қабул қилинмоқда. Шу ўринда албатта "ҳудудлардаги ёш мутахассислар-чи?" — деган савол туғилади. Хабаringиз бор, йил бошидан бери «Қорақалпоғистон ва вилоятлар оммавий ахборот воситалари ёш журналистларининг пойтахтдаги марказий нашрларда малака оширишлари» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида шу вақтга қадар Фарғона, Самарқанд ва Навоий вилоятлари ёш журналистлари «Халқ сўзи» - «Народное слово», «Ўзбекистон овози» - «Голос Узбекистана», «Туркистон» - «Молодежь Узбекистана», «Жамият», «Моҳият» каби қатор газеталар, «Туркистон пресс» нодавлат ахборот агентлиги, «Region inform» ахборот хизматида амалиёт ўташди. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, «Камолот» ЁИҲ, «Келажак овози» ЁТМ, Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети журналистика факультетларида бўлиб ўтган учрашув ва давра суҳбатларда қатнашишди. Лойиҳа йил охирига қадар давом эттирилади.



— Жамоат фонди мамлакатимизнинг энг чекка туманларидаги нашрларни ҳам қўллаб-қувватлаб келмоқда. Кўрсатилаётган бундай эътибор ва рағбат ОАВ тизимига қай даражада ўзгаришлар олиб кирди?

– Тўғри айтдингиз, бугунги кунда Фонд фаолияти мамлакатимизнинг барча ҳудудларини, қамраб олган. Фонд грантлари асосида лойиҳаларни амалга ошираётган таҳририятлар замонавий ахборот коммуникация техника жиҳозлари – компьютер, принтер, сканьер, замонавий фотоаппарат, диктофон каби воситалар билан таъминланди. Интернет тармоғида вебсаҳифаси яратилди ва мамлакатнинг олис ҳудудлари ҳаёти, ҳақида нафақат мамлакат, балки жаҳон миқёсида ахборот тарқатиш, шу йўл билан нашр мухлисларини хорижий мамлакатларда ҳам кўпайтириш имконияти вужудга келди.

Ўзгаришлар масаласига келсак, саволингиз мени Фонд фаолиятининг дастлабки ойларига етаклайди. 2006 йилнинг ёзида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан биргаликда мамлакат ҳудудларида туркум семинарлар ташкил этган эдик. Ҳудудлардаги аҳвол, айниқса, шаҳар ва туман босма нашрлари фаолиятидаги муаммолар билан ўша семинарлар жараёнида яқиндан танишган эдик. Аксарият газеталар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, муассислар етарли шарт-шароитлар яратиб бермаган, баъзи ҳолларда нашрларининг фаолияти билан умуман қизиқмаган ҳам. Жуда кўп таҳририятлар фаолиятига замонавий технологиялар умуман кириб бормаган эди, замонавий журналистик билим-кўникмаларга эга бўлмаган ходимлар томонидан эски ускуналарда чоп этилган газеталарнинг шаклишамойили ҳам, мазмун-моҳияти ҳам бугунги кун талабларига жавоб бермасди. Фонд томонидан ҳозирги кунда республика туман ва шаҳар газеталарини қамраб олган «Мамлакат ҳудудий — туман ва шаҳар газеталари ўртасида глобал интернет тармоғи негизида ахборот айирбошлаш тизимини яратиш» грант лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳа ҳудудий таҳририятларда интернет тармоғи орқали тезкор ва сифатли ахборот алмашиш тизимини йўлга қўйиш, туман газеталарининг оммавийлигини ва тиражини кўпайтириш, туман аҳолисининг ижтимоий аҳамиятдаги ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлақонли қондириш, журналист кадрларни замонавий ахборот технологиялар бўйича билим ва кўникмаларини ошириш каби мақсад-вазифаларни қамраб олган. Бундан ташқари, интернет тармоғига уланган таҳририятлар ўзаро ахборот алмашиш асносида «ЎзА», «Жаҳон», «Туркистон пресс», «Region Inform», «UzReport.com» ва бошқа ахборот агентликлари ва ахборот хизматларидан турли хабар ва янгиликлар, таҳлилий материаллар, ўзларини қизиқтирган маълумотларни олиш ва ўз нашрларини ранг-баранг материаллар билан бойитиш имкониятига эга бўладилар. Грант лойиҳасига 160 га яқин туман ва шаҳар газеталари танлаб олинган эди. Бироқ лойиҳани амалга ошириш бўйича ўтказилган мониторинг натижалари таҳририятлардан атиги 65 таси грант лойиҳада тўлақонли иштирок этиш имкониятига эга эканлигини кўрсатди...

> *Жаҳон ахборот муҳитида миллий манфаатларни ҳимоялаш, босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларда мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтиришнинг муҳим омили.*

Ўтган 2007 йилнинг биринчи босқич грант танловларида биз асосий эътиборни шаҳар ва туман нашрларига қаратдик. Айтиш жоизки, амалга оширилаётган лойиҳалар тобора мукаммаллашиб бормоқда. Бу ўринда мен "Кеш", "Урганч оқшоми" каби қатор нашрларни алоҳида тилга олмоқчиман. Улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар мавзуси кенг ва сифатли ёритилмоқда. Энг муҳими, тайёрланган материаллар изсиз кетмаяпти. Яна бир жиҳатни айтмоқчиман, аксарият таҳририятлар фаолиятида жонланиш кўзга ташланмоқда. Буни ҳам лойиҳа самараси сифатида эътироф этиш мумкин.

– Маълумки, Фонд нуфузли муассисга эга, моддий имкониятлари катта нашрлардан ҳам иқтисодий кўмагини аямайди. Ваҳоланки, улар бунга муҳтож ҳам эмас. Шунинг ўрнига обунаси кам, моддий жиҳатдан қийналаётган нашрларга кўпроқ эътибор қаратилса яхши бўлармиди?

– Менимча, бу савол Фонд мақсад-вазифалари билан таниш бўлмаганларни ўйлантирса керак. Негаки, юқорида қайд этганимиздек, Фонд ўз олдига биринчи навбатда иқтисодий мустақил, ўзини ўзи таъминлайдиган, замонавий демократик ва замонавий стандартларга жавоб берадиган босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг шаклланиш жараёнини қўллаб-қувватлашни мақсад қилиб қўйган. Фонд турли мулк шаклидаги нашрлардан келиб тушган буюртмаларни кўриб чиқишда биринчи навбатда лойиҳанинг долзарблиги, аҳамияти, мақсади, кўлами каби миллий матбуот ва жамият манфаатларига хизмат қиладиган жиҳатларга эътиборини қаратади. Кейинги пайтларда инновацион лойиҳалар диққат марказида бўлмоқда. Бир мисол, "Андижоннома" газетаси вилоят ҳокимлиги муассислигида фаолият юритади. Бу таҳририят вилоятда журналистлар малакасини оширишга қаратилган лойиҳа билан чиқди. Нима учун уни қўллаб-қувватламаслик, молиявий ёрдам ажратмаслик керак? Ёки "Норма" газетаси билан ҳамкорликдаги медиабизнесни ривожлантиришга қаратилган лойиҳани олайлик. Бундай долзарб лойиҳалар албатта қўллаб-қувватланишга сазовор деб ўйлаймиз. Шундай экан, лойиҳа муаллифининг моддий имкониятлари роль ўйнамайди.

Обунаси кам, моддий жиҳатдан қийналаётган нашрлар масаласига келганда эса, Фонд уларга ҳам имкон қадар ёрдам кўрсатмоқда. Бироқ бу тўғрида нашрларнинг муассислари кўпроқ ўйлашлари, ҳаракат қилишлари лозим. Зеро, айрим ҳолларда муассислар "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги қонунда кўзда тутилган мажбуриятларига лоқайдлик билан қараётганларининг ҳам гувоҳи бўляпмиз. Бунинг оқибатида нашрларнинг иқтисодий аҳволи мушкуллашган, моддий-техник таъминоти паст даражага тушиб кетган. Иккинчи салбий омил – баъзи таҳририятлар ва айниқса улар раҳбарларининг боқимандалик кайфиятига тушиб қолганидир. Бундай раҳбарлар кечаги кун мезонлари билан ишламоқдалар. Улар таҳририят фаолиятига бугунги кун нафасини олиб кириш, замонавий бошқарув услубларини жорий этишлари лозим. Шундагина таҳририят ишида жонланиш юз беради. Шундагина журналистикамизнинг бу жабҳаларида ҳам катта жонланиш юз беради. Ҳаммамизнинг муштарак ниятимиз ҳам аслида шу эмасми?

Адиба УМИРОВА суҳбатлашди.

НАШР

Бола тили билан бола кўнглига...

Мамлакатимиз болалар матбуоти ҳам сон жиҳатдан, ҳам сифат жиҳатдан юксалиб бораяпти. Ёшлар севиб ўқийдиган «Гулхан», «Ғунча» журналлари, «Тонг юлдузи», «Класс» каби газеталар қаторига «Билимдон», «Бекинмачоқ», «2 х 2», «Ниҳол», «Киндер-Пресс» журналлари қўшилгани ҳам сўзимиз исботидир.

Лекин... назаримда, болалар матбуоти ҳали ҳам отасининг орқасида уялиб турган болакайдай катталар матбуоти панасида қисиниб-қимтиниб мўралаётир. Чунки уни ҳар доим ҳам пайқайверишмайди-да. Гапим асосли бўлиши учун айтишим мумкинки, ОАВ орасида ўтказиладиган танловларда ҳам болалар матбуоти журналистларини сийлашни жуда ҳам шарт деб билишмайди. Японияда болалар матбуотида чоп этилган мақолаларга катталар матбуотидаги мақолага нисбатан анча юқори балл қўйилади. Ижтимоий ҳаётни, сиёсий воқеаларни бола тилидан бола кўнглига мослаб баён қилиш юксак санъат, дейишар экан улар.

Тан олиш керак, бизда вазият бутунлай бошқача, баъзида малакали кадр топиш масаласи ҳам муаммога айланади. Ора-сирада адашиб келиб қолган амалиётчи талабаларга "Ўқишни битирганингиздан кейин бизга ишга келинг", десак, "Э, йўқ. Телевидениега борсам керак. Сизларга ёзиш қийинроқ", дейишади. Кейин... жим бўлиб қолади. У айтишга истиҳола қилган фикрларни ич-ичимдан англаб тураман. Тўғри, болалар матбуотининг ўз услуби, тили бўлиши керак.



Журналист Муҳаббат Ҳамидова (чапдан биринчи) ҳамкасблари даврасида.

Унда меҳнат қилаётган журналист дунёга бола кўзи билан қараши, ўқувчисини зериктириб қўймайдиган суҳбатдош бўлиши ва ёзаётган мақоласи қисқа, қизиқарли бўлиши керак. Мақола аввалини «Болалар», «Қадрли болажон» ёки «Ёш дўстим» деб бошлаган билан у болаларбоп бўлиб қолмайди-да.

Лекин амалиётчини чўчитган нарса бу эмас. У тезроқ танилишни, «юлдуз» бўлишни истайди. Катталар матбуотида эса бу осонроқ. Кетма-кет икки-учта долзарб мавзуни, муаммони ёритиб чиқса, дарҳол оғизга тушади. Бироқ, ўша катта матбуотнинг нозик дидли газетхонини ҳам теран фикрлашга болалар матбуоти ўргатганини ҳеч қачон ёддан фаромуш қилмаслигимиз керак.

Яна бир томони, болалар матбуотида зуваласи яхшилаб «пишитилган» ходим дарров катта матбуотга ўтиб кетади. Агар журналистика факультетлари қошида «болалар матбуоти бўлими» очилса айни муддао бўларди.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида даромад топиш учун бодраб чиқаётган, ҳар хил енгил-елпи хабарлар, маза-бемаза бошқотирмалардан иборат, тинимсиз рекламалар туфайли танилаётган «болалар газеталари» ҳали оқни қорадан, тўғрини нотўғридан ажратиб ололмайдиган болакайга нима бермоқда?! Тафаккурини, савиясини ошираяптими? Улардаги чучмал жумлалар, бадиий саёз шеър, ҳикоя ёки суратлар йил сайин болаларимиз маънавиятини эговлаб, нутқини қашшоқлаштириб бориши шубҳасиз.

Бу нарсага зинҳор панжа орасидан қарамаслик керак. Чунки болалар матбуотининг елкасидаги вазифа жуда масъулиятли. У порлоқ келажагимиз бўлган ёшларнинг камол топишига хизмат қилади.

Муҳаббат ҲАМИДОВА, «Гулхан» журнали бош муҳаррир ўринбосари.

"Микрокредитбанк"

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ


MIKROKREDITBANK

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ, МАТБААЧИЛАРИ ВА НАШРИЁТ ХОДИМЛАРИНИ КАСБ БАЙРАМЛАРИ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ!

2008 ЙИЛ — ЁШЛАР ЙИЛИ

Оиласи учун доимий даромад манбалари яратишга бел боғлаб, тадбиркорликни бошлаётган ва сервис хизматини йўлга қўйишга киришган ёш оилаларга "Микрокредитбанк" имтиёзли микросармоялар ажратади.

ТАКЛИФ СИЗДАН — САРМОЯ БИЗДАН!





“Тошшаҳарйўловчитранс” акциядорлик компанияси жамоаси



озод диёримиздаги барча журналистлар, матбаа ходимларини касб байрами билан чин қалбдан табриклайди. Жамоамиз ижод аҳлининг бугунги «ахборот асри»да мамлакатимиз аҳолисини тўғри, холис ва адолатли ахборот билан таъминлаётганини эътироф этиб, уларнинг хонадонига қут-барака, хотиржамлик тилайди.

ЭЪТИБОР

Меъморлик ноёб касб

— дейди мураббий меъмор Холмурод Васиев

Буюк саркарда Амир Темур ҳазратлари “Агар қудратимизга шубҳангиз бўлса, биз қурган биноларга боқинг”, деган гаплари негизида не-не маънолар мужассамлигини бугун янада чуқурроқ англаб етаяпмиз. Чунки қўли гул ҳунарманд, меъмору дурадгорлар томонидан бунёд этилган иморатлар йиллар, асрлар ўтса-да, ўзининг мустаҳкамлилиги, савлати, жозибалилиги-ю, миллий нақшинкорлик санъати билан дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда.

Устачиликнинг нақадар муҳимлигини сўз султони Мир Алишер Навоий ўзларининг “Фарҳод ва Ширин” достонлари орқали моҳирона тасвир қилганлар.

Устачилик касбини эгаллаш учун қадим-қадимдан ҳам ёшлар усталарга шогирд тушганлар. Шогирдлар меъморчиликнинг нозик сирларини устозларидан иш давомида кунт билан ўрганиб борган.

Қадимий Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари обидаларини дунё сайёҳлари лол қолиб ўрганганларида албатта, уларнинг усталарини, санъаткорларини эсламайди деб ким айтади, дейсиз.

1980 йиллари Шаҳрисабз “Сайёҳлар” бўлимида йўриқчи бўлиб ишлаб юрган давримда ўнлаб хорижий давлатлардан келган сайёҳ-олимлар темурийлар даврида қурилган обидалар олдида соатлаб туришиб, юзлаб саволлар беришар, усталар, бўёқлар, наққошлар ҳақида сўрашарди.

Мен уларнинг саволларига берган жавобимдан кейин ҳайратга тушишларини кўриб, ўзбек фарзанди бўлганлигимдан қандай ғурурланганимни сўз билан таърифлашга ожизман.

1404 йилнинг 28 август куни Қадимий Кешнинг бугун биз яшаб келаётган гўзал Шаҳрисабз шаҳрига кириб келган, машҳур Испан сайёҳи Руи Гонсалес Клавихо “Оқ сарой”ни кўргач лол бўлиб қолганлигини ва буюк Соҳибқирон Амир Темур бобомиздан изн сўраб, “Хотиралар” ёзмоқчи бўлганлигини, қиличдан кўра қаламни устун қўйган доно бобомиз унга тўлиқ шароит яратиб берганликларини мағрурланиб гапирганимда улар ҳам ҳайратларини яширолмай қолишарди.



Яқинда бир гуруҳ ижодкорлар билан Шаҳрисабзнинг сўлим гўшаларидан бири саналган тоғлар бағридаги Мираки шаҳарчасида бўлиб, бир ажойиб устани икки ёш болага ўймакорлик сирларини ўргатиб турган ҳолатда учратдик. Рухсат сўраб суратга тушириб олдим-да, кейин танишдим:

Истараси иссиқ, анча камтарин, аммо чайир кўринишли Холмурод ота Васиев денгиз сатҳидан 1200 метр баланд, шаҳри Кеш Шаҳрисабздан 75 километр узоқликдаги пурвиқор Ҳисор тизма тоғлари оралиғида жойлашган Ғилон қишлоғида туғилиб, ўрта мактабни тугатгунига қадар қўлига пойтеша ушлаб, устозлари ёнида туриб иморат қуриш сирларини ўрганиб борган навқирон бола Қарши шаҳар политехника ва педагогика билим юртларини тугатганидан сўнг Миракидаги 1-махсус интернат-мактабида меҳнат таълими бўйича ўқитувчи бўлиб, шу жойда муқим яшаб қолади.

— Асли ота-боболаримиз дурадгор ўтганлар. Суягимиз тоғда қотган. Биласиз, тоғликлар чаққон ҳунарманд кишилар бўлади. Тожикча талаффуз билан ўзбек тилини чоғиштириб айтаётган доно-доно сўзларидан у кишининг ўз касбига бўлган меҳри аниқ-тиниқ кўриниб турарди. Шу пайт 45 ёшлар чамасидаги алп келбатли киши келиб, ўзини Мустафоқул Муҳиддинов деб таништирди. Мустафоқул шу Мираки шаҳарчаси фуқаролар йиғини раиси экан. У бирдан Холмурод бобони таърифлай кетди: — Биз ҳам шу нуроний отахоннинг шогирдлари бўламиз. Шаҳарчамизда саккиз мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Битта лицей, битта интернат ва битта ўрта мактаб ҳамда педагогика спорт коллежи, даволаш ва дам олиш санаторийлари-ю, болалар оромгоҳлари ҳамда қатор кичик корхоналар бор. Уста бобо ўз шогирдлари билан бирга барча иморатларнинг қурилишида иштирок этган.

Холмурод ота нафақага чиқгунига қадар икки мактаб ва спорт педагогика коллежида ўз шогирдлари билан бирга 3 та музей ташкил қилган.

— Яхши ният билан қаерга қадам қўйсанг, ўша жойда изинг қолмаса, ўрнинг билинмайди, сени келгуси авлод ёд олмайди, — дейди уста.

— Шунинг учун усталар сахий ва олисни кўра биладиган кишилар бўлиши керак. “Иморат қилишда ўлимингни эслама”, “Қаламанинг қаққайгани ҳам қирқ йил кетади”, “Минг йилларни кўзлаб пойдевор қўй!” дейилган нақллар усталарга тегишли. Айтишларича, “Оқ сарой” пойдеворини қуйган, уста икки йил яшириниб юрган экан. У шу орада пойдеворнинг мустаҳкам жойлашиб олишини ва яна ўша жойнинг мослигини синаш учун шундай қилган.

Ҳозир Холмурод ота Шаҳрисабз Нуронийлар жамғармасига қарашли Мираки фуқаролар йиғини қошидаги жамоатчилик ишлари бўйича раис бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг “Нуронийлар” ва ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари 2007 йилда туман бўйича ўтказилган танловда биринчи ўринни олди. Вилоят фахрийларнинг Нуроний жамғармаси томонидан қимматбаҳо совғалар берилди.

Қувончлиси, 8 фарзанд, 20 дан ортиқ набиралар, юзлаб шогирдларни етказиб берган бу наққош дурадгор ҳамон ўз касбини келажагимиз эгалари бўлмиш ёшларга ўргатиб келмоқда.

Биз шогирдлари томонидан ёнғоқ, чинор, тут дарахтларидан чунонам безак бериб қурган мебелларини кўриб, устага бўлган ҳурматимиз янада ортди.


Жаббор ХАЛИЛОВ



“ДЕНОВ НЕФТЬ БАЗАСИ” УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

республикамиз журналистларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан муборакбод этади. Мамлакатимиз матбуотини сарбаланд тутиш йўлидаги ижодий ишларида зафарлар тилаб қолади. Байрамингиз муборак, азиз журналистлар!

ИЗҲОР



Кўҳна ва ҳамиша навқирон Бухоронинг янада кўркам ва чирой очишига 40 нафар малакали мутахассислари билан мунӯсиб ҳисса қўшиб келаётган 300 дан ортиқ қурилган замонавий мактаблар, коллежлар, давлат аҳамиятига эга бўлган иншоотлар лойиҳасини тайёрлаган "OLTIN USTUN" дипломи совриндори

БУХОРО ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ЛОЙИҲАЛАШ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

матбуот ва ОАВ ходимларини касб байрамлари билан самимий муборакбод этади. Халқимиз маънавиятини янада ошириш, жонажон юртимиз истиқболини юксалтириш йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда омад ёр бўлсин.



ЭЪТИРОФ

Нуфузли ва эътиборли

Мустақилликдан сўнг республикамизда оммавий ахборот воситалари, телевидение ва радиога эътибор ошди. Хусусан, Хоразмда бундан 47 йил олдин 1961 йилда ўз фаолиятини бошлаган вилоят телевидениесида бугун беқиёс ўзгаришлар содир бўляпти.

Шу пайтгача "Ёшлар" телеканали орқали кунига икки соат ҳажмда кўрсатувлар дастури тайёрланар эди.

Жорий йилнинг 1 мартидан бошлаб алоҳида канал орқали вилоят телевидениеси ўз кўрсатувларини намойиш қила бошлади.

Бугунги кунда 10 соатлик кўрсатувлар воҳанинг ҳар бир хонадонига кириб бораяпти.

Республикамиз ҳукуматининг амалий ёрдами туфайли энг чекка вилоятдаги ўзгаришлар ва янгиланишлардан хоразмликлар хурсанд бўлишаяпти. Биз фермерлар учун Болтабика Жуманиёзова тайёрлаётган "Деҳқон ва замин" туркумидаги кўрсатувлар айниқса фойдали бўлаётир. Бевосита мулоқотлар жараёнида мутахассислар маслаҳати бериб борилади.

Матбуотга эътибор кучайди. Демак "тўртинчи ҳокимият" вакилларининг нуфузи ҳам ошиб бораяпти.

Гулиммат ҲАЙТИММАТОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Ҳамкорликнинг янги қирралари

Сирдарё туманида "Сир—Умар—Қамар" хусусий ишлаб чиқариш, Туркия—Ўзбекистон қўшма корхонасининг иш бошлаганига кўп бўлмаган бўлса-да, қисқа вақт ичида бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар истеъмолчилар эътиборига тушди.

Сирасини айтганда, корхона биноси замонавий жиҳозланди. Ишлаб чиқариш ускуналари Туркиядан келтирилди. Бинони қайта таъмирлаш ва ускуналарни ўрнатиш учун жами 150 минг АҚШ доллари сарфланди. Айни пайтда корхона тўла қувват билан ишламоқда.

Корхонада асосан идора ва уй-жойлар учун махсус юмшоқ мебеллар ва органик металлдан эшик ҳамда дераза ромлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу маҳсулотлар замон талаби даражасида эканлиги сир эмас. Айни пайтда шу турдаги маҳсулотларга вилоятдаги мавжуд коллеж ва мактаблардан буюртма қабул қилинмоқда.

Яқинда вилоят ҳокимлиги болалар боғчалари учун 22 миллион сўмлик ана шундай эшик ва дераза ромлари, юмшоқ мебелларга буюртма берди.


— Туркия билан ҳамкорлигимиз ўз самарасини бермоқда, — деди қўшма корхона раиси Фариб Мамедов. — Ҳозир корхонамизда ўн беш нафар ёшлар меҳнат қилмоқда. Икки нафар ходимимиз Туркияда дастгоҳларни бошқариш сир-синоатларини ўрганиб қайтди. Жаҳон дизайни асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз нафақат вилоят, ҳатто республикамиз бозорларига кириб бораётгани қувончлидир.

Корхона ҳали тетапоя қилмоқда. Лекин шунга қарамай, у ривожланиш палласига чиқиб бораётгани барчанинг диққатини тортмоқда. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган уй-жой жиҳозлари, юмшоқ мебеллар, металл ва органик металлдан ишлаб чиқарилаётган эшик ва дераза ромлари хорижникидан сира қолишмайди.

Корхона масъулларининг айтишларича, якка тартибдаги шахсий буюртмаларни ҳам қабул қилиш йўлга қўйилган. Бу албатта, вилоят аҳолиси учун яна бир қулайликдир. Ҳамкорлик туфайли вилоятда ягона қўшма корхона ишга тушди. Эртанги кунда унинг янада юксалиши, қувватлардан тўла фойдаланиши, ойдин йўлга чиқиб олиши, сифат ва самарадорликка эришиши турган гап. Чунки бу ерда олиб борилаётган ишлар ва корхона ходимларининг самимий меҳнатларини кўрган ҳар бир киши шундай хулосага келиши, шубҳасиз.

Неъматилла МЎМИНОВ

"Ўзвиносаноат-холдинг" компанияси жамоаси



юртимиздаги ОАВ вакиллари ва матбаачиларни касб байрамлари билан самимий муборакбод этади. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, ижодий юксалиш, жасорат ва баракали фаолият тилаймиз. Зеро, нафақат бугунги кунни, балки келажакни ҳам ахборотсиз тасаввур этиб бўлмайди. Савобли ва эзгу ишларингизга муваффақиятлар ёр бўлсин!


ДУНЁДА НИМА ГАП?

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси жамоаси



мустақил Ўзбекистонимиз оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан сидқидилдан муборакбод этади.

Барчангизга ижодий ютуқлар, оилавий бахт, сиҳат-саломатлик ва илҳомбахш дамлар тилаб қоламиз.



ЭЛЧИНИНГ ҲАМ ҚЎЛИ БОР...МИ?



АҚШнинг Албаниядаги элчиси Жон Уитерс Афғонистонга ноқонуний равишда патрон етказиб беришга алоқадорликда гумон қилинаяпти. АҚШ Давлат департаменти эса бу айбловга шубҳа билан қарамоқда. Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафтада Майамидаги «AEY» компанияси ва унинг уч нафар ходими АҚШ ҳукуматини алдаш мақсадида фирибгарлик қилганликда айбланганди. Ушбу фирма 2007 йилда Пентагон билан Афғонистон армиясига 298 миллион долларлик патрон етказиб бериш бўйича шартнома имзолаганди.

Маълум бўлишича, ўқ-дорилар Хитой фирмасида ишлаб чиқарилган бўлиб, бундан 40 йил олдин тайёрланган экан. Мамлакат қонунчилигига кўра, Хитойга қарашли қурол-яроқларни харид қилиш қатъиян тақиқланади. «AEY» ходимлари ушбу патронлар Албаниядан бевосита АҚШ элчиси ёрдами билан Афғонистонга етказиб берилганлигини таъкидлашмоқда.

ФАҚАТ ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН




Россия Фаластин мухторияти хавфсизлик кучларига ҳарбий техникалар етказиб беришни бошлаганини маълум қилди. Расмий Москва ушбу масала тез орада Исроил билан муҳокама қилинишини маълум қилди. Бу ҳақда Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров баёнот берди. Унинг билдиришича, мухториятга иккита «Ми-17» ҳарбий вертолёти ва 50 та зирхли техника билан таъминланган. Бироқ улар қуролланмаган. Лавровнинг айтишича, ушбу техникалар бевосита Фаластин ҳукумати хавфсизлигини таъминлашга ишлатилади. Бундан ташқари, Россия Фаластинга 30 минг тонналик инсонпарварлик ёрдами ҳам жўнатди.

Эслатиб ўтамиз, Германия ҳам Фаластин маъмурияти хавфсизлигини таъминлашга 15 миллион евро ажратди.

САРАТОНГА ДАВО ТОПИЛДИ


Кубалик олимлар дунёда биринчи бўлиб саратон касаллигининг енгил кўринишига қарши вакцина яратишга муваффақ бўлишганини маълум қилишди. Ушбу дорини кашф этиш йўлида Молекуляр иммунология марказида 1992 йилдан буён тадқиқотлар олиб борилаётган эди. Доктор Тания Кромбетнинг билдиришича, препарат барча саратон турларига қарши самарали бўлиб, ҳозирда 1 ёшдан 75 ёшгача бўлган 30 нафар беморда синовлардан ўтказилган ва яхши натижага эришилган. Синов даврида мазкур дори 400 нафар беморнинг тузалиб кетишига сабаб бўлган.



Айни пайтда ушбу кашфиётни патентлаштириш ишлари кетмоқда. Лекин мазкур препаратни оммавий ишлаб чиқариш қачон йўлга қўйилиши ҳозирча маълум эмас.

ГУАНТАНАМОДАГИ МАҲБУС ОҚЛАНДИ


АҚШ Федерал аппеляцион суди Гуантанамодаги бир маҳбуснинг даъвосини қаноатлантирди. Шу пайтга қадар у ноқонуний қуролли ҳаракатларга алоқадорликда айбдор деб топилган эди. «The Washington Post» газетасининг ёзишича, биринчи маротаба Гуантанамодаги маҳбус ўзининг айбсизлигини исботлашга эришди. Суд қарорига кўра, Хузайфа Пархатни суд қилишда ҳарбий трибунал хатога йўл қўйган. Эндиликда ушбу маҳбус озодликка чиқарилиши лозим. Пархат Гуантанамода олти йилдан бери сақланаётган эди.




Ҳозирда 180 нафар маҳбус ўзларининг мақомларини ўзгартирилишини талаб қилиб, АҚШ Федерал аппеляцион судига мурожаат этишган. АҚШ ҳукумати уларни ҳарбий асир сифатида эмас, ҳарбий ноқонуний ҳарбий ҳаракатларда иштирок этганликда айблаб, ушлаб турибди. Халқаро ҳужжатлар ва Америка миллий қонунлигига кўра, бу мақомдаги жиноятчиларни суд қилмасдан номаълум муддатга ушлаб туриш мумкин.

КАТТА МАБЛАҒНИ ЎЗЛАШТИРГАН

«Samsung» компаниясининг АҚШдаги филиали собиқ директори Жон Ли фирибгарлик йўли билан катта миқдордаги маблағини ўзлаштириб юборганликда айбланмоқда. Тергов жараёнида маълум бўлишича, собиқ раҳбар камида 2,5 миллион доллар миқдоридаги маблағни ўзлаштириб юборган бўлиши мумкин. Америка қонунчилигига кўра, агар собиқ директорнинг айби исботланган тақдирда, у 20 йилгача озодликдан маҳрум этилиши ва 250 минг доллар миқдорида жарима тўлаши мумкин.




ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИЛАЁТГАН ПАЙТДА



Мексиканинг 17 нафар полицияси Мехикодаги тунги клубларда ўтказган текшируви учун истеъфога чиқарилди. Рейд ўтказилаётган пайтда тартибсизликлар юз берган. Натижада 12 киши ҳалок бўлган. Улар орасида 13 ёшли қизча ҳам бор. Манбада келтирилишича, воқеа рўй берган пайтда мактаб ўқувчилари ўқув йили якунлангани муносабати билан базм уюштираётган эди.


Полиция ходимлари тунги клуб эгасини вояга етмаган болаларга спиртли ичимликлар сотаётганликда гумон қилиб, кириш йўлини беркитиб қўйган. Натижада ичкарида ваҳима ўйғониб, тартибсизлик вужудга келган. Ўлганлар орасида уч нафар ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам бор. Айни пайтда фожиага сабабчи бўлган шахсларга нисбатан айбловлар эълон қилинган.

ТАШРИФ ТУФАЙЛИ



АҚШ Президенти Жорж Буш Буюк Британияга ташриф буюрган пайтда Хитроу аэропортида 40 минг нафар йўловчи ушланиб қолган. Аэропорт раҳбарияти ҳам ушбу маълумотни тасдиқлади. Манбада айтилишича, 68 самолёт жадвал бўйича вақтида учиб-қўна олмаган. Мазкур самолётларнинг аксарияти «British Airways» авиакомпаниясига қарашли. Ушбу компания раҳбари Уилли Уолш ҳам юз берган воқеадан норози эканлигини маълум қилди.

ТИБЕТ САЙЁҲЛАРГА МУНТАЗИР



Хитой ҳукумати жорий йил 25 июндан бошлаб Тибет мухторияти ҳудудига яна хорижлик сайёҳларнинг кириши учун рухсат берди. Расмий Пекин вакили айни пайтда Тибет тоғи барча сайёҳлар учун хавфсиз эканлигини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, Хитой ҳукумати Лхаседа шу йилнинг 14 мартида юз берган тартибсизликлар туфайли мазкур ҳудудга чет эллик сайёҳларнинг киришини тақиқлаб қўйганди.

Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

"БОҒОТ ДОН"

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси



халқимиз ардоғидаги матбуот ходимларини, барча журналистлар ва матбаачиларни 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан табриклайди.

Сизларга узоқ умр, бахт ва шодлик, қайноқ ижод ҳамроҳ бўлсин!



01 ОГОҲЛАНТИРАДИ

Газ ва электрдан нотўғри фойдаланиш

кишиларнинг ҳам молига, ҳам жонига зиён етказади

Кейинги пайтларда газ ва электр мосламаларидан фойдаланиш масаласига давлат аҳамиятига молик вазифа сифатида қаралаётганлиги бежиз эмас. Ўзбекистон Республикаси президентининг 2007 йил 2 майдаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2007-2008 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам жойларда ёнғинларнинг олдини олиш ва иқтисодий тармоқлар хавфсизлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётир. Қарор доирасида Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш ҳамда олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари, "Ўзэнерго" ДАК ва "Ўзтрансгаз" АКлари томонидан махсус ташкилий ва амалий иш режаси ишлаб чиқилиб, жойларга ижро учун юборилганлиги самарали натижалар бериши шубҳасиз. Мазкур режа асосида амалга оширилаётган ишларни ўз вақтида умумлаштириш ва таҳлил қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББнинг режасига асосан Тошкент шаҳар Миробод туманида ҳам тезкор штаб ва унинг ички гуруҳлари тузилди, туманда жойлашган ҳар бир маҳаллага ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари бириктирилди, тадбирга профилактика инспекторлари, газ ва электр идоралари ходимлари, бошқа тегишли идора ва ташкилотлар, муассасалар вакиллари жалб этилди.



Юқоридаги фаолиятнинг давоми сифатида Миробод тумани ҳудудида жойлашган 97 та газ тақсимлаш пунктлари, 411 та трансформатор подстанциялари текшириб чиқилди ҳамда туман аҳолисига газ ёқилғисидан фойдаланиш чоғида ёнғинларга олиб келувчи ҳолатлар оқибатларини тушунтириш мақсадларида учрашув ва суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. Бироқ, афсуски, орамизда ҳамон лоқайд ва безътибор кишилар йўқ эмас. Уларнинг газ ва электр мосламаларидан нотўғри фойдаланишлари оқибатида бир қанча кўнгилсизликлар содир бўлмоқда. Масалан, 2007 йил 17 сентябрь куни Тошкент шаҳар Миробод тумани Чехов кўчаси 40-уйда жойлашган "Седе — Рома" ресторанида маиший газ плитаси ёниб турган ҳолатида назоратсиз қолдирилган. Оқибатда ёнғин содир бўлиб, 3 нафар фуқаро турли даражада куйиш тан жароҳати олганлар.

Бундай нохуш ҳолатларга чек қўйиш ва бу борада амалга ошириладиган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида барчамиз газ ёқилғиси, электр ва бошқа манбалардан эҳтиёткорлик ва хавфсизлик қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдалансак мақсадга мувофиқ бўларди.

Жалол АСҚАРОВ,
Миробод ТИИБ ЁХБ инспектори, майор.

СУРАТ ВА СИЙРАТ



Самарқанд вилоят Иштихон туман «МТП» корхонаси жамоаси

мамлакатимиздаги барча ОАВ ходимлари ва ижодкорларини касб байрамлари билан самимий қутлайди.

“Сурхонозиқ-овқат саноати” акциядорлик жамияти жамоаси



юртимизда “тўртинчи ҳокимият” вакиллари деб эътироф этиладиган, ҳамиша элимиз ардоғида бўлган қадрли журналистларни, матбаа ходимларини касб байрамлари билан чин юракдан муборакбод этади. Ижод завқи Сизларни ҳеч қачон тарк этмасин!

ЭЪЗОЗ


Оқимга айланган устоз

Бугунги ўзбек матбуотига салмоқли ҳисса қўшган, ҳисса қўшаётган дарғалар бисёр: ҳар бири ҳақида катта-катта асарлар ёзса арзийди. Шулардан бири Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети доценти, филология фанлари номзоди Сайди Умиров тўғрисида ёзаётганда, гапни нимадан бошлашга шошиб қоласан киши.

Сайди аканинг ҳамкасблари ва шогирдларига маълум ва ўрнак бўладиган такрорланмас бир жиҳати бор. Биз ҳам дастлаб гапни шундан бошласак. У кишини таниган, билган, суҳбатлашиб кўрган кишиларга маълумки, қаерда қаҳ-қаҳа овози эшитилса, ўша даврада Сайди ака бўлади. У кишининг шиори ҳам шундай: “Муаммолардан қочиб, кулгу билан яша!” Бунда катта ҳикмат бор. Муаммоларга тўла ҳаётда уларни енгиб, ғолиблик нашидасини суриб, кулиб яшашга нима етсин. Сайди Умиров ана шундай қалби ҳар доим баҳор бўлиб юрадиган одам. “Ҳар бир инсон табиатан шоир, ижодкор бўлади”, деган эди Сайди Умиров филология фанлари доктори, профессор Ғайбулла Саломов ҳақида. Мавриди келганда, бу гапни унинг ўзи ҳақида ҳам айтиш ўринли. Чунки Сайди ака — шоиртабиат инсон.

Ижодкорлиги асарларида ҳам яққол кўринади. Ҳар бир янги асар ҳақида фикр билдиришга ҳаракат қилади. Тақриз ёзиш, кимнингдир асарини баҳолаш осон иш эмас, албатта. Асарнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиб бериш, тақризчидан катта тажриба ва салоҳият талаб қилади. Сайди ака бундай ишларга теран нигоҳ билан боқиб, ижодкор руҳиятини ҳис қила оладиган, ундаги оддий деталларни ҳам синчиклаб ўрганиб, сўнгра бирор нарса ёзадиган ижодкор. Унинг В.Раҳимовнинг “Публицистичность творчество Эрскина Колдуэлла” китобига, Ғайбулла ас-Саломнинг “Эзгуликка чоғлан, одамзот”, Ҳуршид Дўстмуҳаммедовнинг “Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари” ҳамда “Взаимодействие как источник обогощения национальной литературы” каби китобларга ёзган тақризларида муаллифнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб бериш, асарни тўғри баҳолаш принципи яққол номаён бўлган.

Таниқли, машҳур шахслар ҳақида ёзиш анча мушкул, чунки кичик бир мақолада бутун бир даврнинг, умрнинг тавсифини бериш жуда масъулиятли. Сайди ака бу ишнинг ҳам уддасидан чиққан ижодкор. Унинг “Деталь устаси”, “Сермаҳсул, теран публицист”, “Жангчи, журналист, олим, педагог”, “Файласуф ва публицист”, “Солланиб оқаётган дарё”, “Камтар дўст” каби мақолаларида шахс билан давр тақдири уйғунлашиб, ҳар бир деталда инсон ва замон характери усталик билан кўрсатилган, ҳар бир мақоласи ўқувчилар томонидан ҳодиса деб эътироф этилган эди.



Бундан ташқари, таржимонликда ҳам беназир ишларни амалга оширди. Жумладан, К.Симоновнинг “Ўн саккиз ёшда”, А.Сахаровнинг “Инсоният тақдири”, Т.Резниченконинг “Колима ҳикоялари” каби ўнлаб асарларни ўзбек китобхонларига таништирди.

Устоз ҳақида Ғайбулла ас Салом “Сайди Умиров ўйлаб ёзади, ўйнаб ёзса ҳам ўйлаб ёзади. Ёзмаса туролмайдиганлар хилидан... Яхшиликшунос, ҳеч кимни хафа қилгиси йўқ. Ашаддий ғламисни ҳам. Эй, ҳазрати одам. Нобакор бу — нобакор, фосиқ бу — фосиқ. У сенинг фалсафангни тушуниб ўтирибдими! Қаёқда! Киши бир мўмин бўлмасин экан. Уни қайта “тарбиялаб” бўлмайди. Бу кичик феъл дўстимиз студент халқининг катта дўсти...” деганида мутлақо ҳақ эди. Чунки шу пайтга қадар бирорта талаба йўқки, Сайди акадан норози бўлиб кетган бўлса. У киши бугунги кунда нафақат халқаро журналистика факулетида, балки бугунги ўзбек матбуотида катта оқимга айланган устозлардан биридир, чунки ҳоҳ публицистикамизда, ҳоҳ адабиётшунослигимизда бўлсин, у кишидан ўрнак оладиган, у кишига ўҳшатиб ёзадиган шогирдлари бисёр. Шуни айтсалар керак-да, устознинг қадри шогирдлари билан буюк деб.

Таъкидлаш керак, Сайди Умиров уммон каби жўшиб, қирғоқлардан тошиб, ўзи ўзидан ошиб яшаб келмоқда. Мана шундай доимий ҳаракат ва баракат, шодон кайфият, самимият сизни асло тарк этмасин, муҳтарам устоз!

Саодат СУЛТОНСАИДОВА, Хислат МАҲАМАДАЛИЕВ, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультети ўқитувчилари.

Лотореяда ютган ким?

Яқинда домла санаторийда ётиб чиқди. Ҳам дам, ҳам соғлиқни тиклаш дегандай. Таниқли ёзувчи ва журналист Ҳуршид Дўстмуҳаммад билан домлани кўргани бордик. Ҳол-аҳвол сўраган бўлдик. Сўнгра ижод ҳақида, илм ҳақида, борингки ҳаётимизнинг дориломон кунлари тўғрисида гаплашдик. Гап орасида “Яхшиям Амрулло бор, биз бемалол ётибмиз. Ўрнимни билинтирмай, ҳамма ишни бемалол эплаяпти”, деб қўйди. Ҳуршид ака ҳазиломуз оҳангда “Сиз Амруллони лотореяда ютгансиз”, деди. Бироз кулишдик. Мен домлани олти йилдан бери танийман. Ана шу олти йил мен учун ижод, маҳорат ва тажриба мактаби бўлди.

2002 йил июнь ойининг охирларида эди. Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг халқаро журналистика мутахассислиги бўйича дипломини қўлга киритиш арафасидамиз. Битирув кечаси ниҳоясида декан ўринбосари Рамзиддин Абдусатторов тавсиясига кўра Сайди Умиров халқаро журналистика факультетига ишга киришимиз тўғрисида биз, яъни бир гуруҳ битирувчилардан ариза ёздириб олди.

Олти йил бирга ишлаш давомида домладан яхшиликни, самимиятни ўргандим. Педагогнинг биринчи вазифаси тарбия эканлигини чуқур англаган домла бизга ҳам талабаларни севишни ўргатди. Баъзида дарсга келмаган ёки ўрта баҳони яхшига кўтармоқчи бўлган талабаларни домла қўллаб-қувватлаб туради. Олдинига тушунмасдим: домла нега ундай қиладилар? Йиллар ўтиб қарашларим ўзгарди. Талабалар тилида айтганда, “коридорда ўқиган”лардан катта одамлар, етук журналистлар чиққани ҳам бор гап. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Матбуотда ёзиб бўлмайди-ю, лекин устозлар уларнинг номини бот-бот эсга оладилар. Домла қўллаганда ҳам, бўладиганини, мустақил фикрга эга, пиринципида маҳкам турадиган, соҳани севадиганларни қўлларди. Бундай талабалар дарсга қатнамасада, у ер-бу ерда улоқиб юрмай, қайсидир оммавий ахборот воситасида ишлайди.


Соғлом турмуш тарзи ҳақида радиода, телевиденеда кўп гапирилади, кўп ёзилади. Бировга ёмонликни билмасанг, ақл чархи учун шахматни, оёқ чаққонлиги учун футболни танласанг – соғлом турмуш тарзининг ҳақиқий ифодаси аслида шу эмасми! Устознинг шогирдларидан бири, “Машъал” радиоканали муҳаррири Жасур Қўзибоев “Радиода “Спорт – менинг ҳаётим!” деган эшиттириш қиляпман, Сайди Умиров ҳақида интервью берсангиз”, деб қолди. Интервью беришга бердим-у, домладан ўрганганларим қаторида шахмат ва футболга унча вақт тополмаслигимдан афсусландим.

Ижодкор бўлганингдан кейин, бошқа журналистлар ижодидан, тадқиқотларидан, хайрли ва савоб ишларидан бохабар бўлишинг керак. Кимнингдир янги китоби чиқса, эл ва юрт дардида, миллат дардида куюнчаклик билан хизмат қилаётганларнинг адабий кечаси бўлса ёхуд мамлакат ривожига ҳисса қўшган адибларнинг ибратли ҳаётлари ҳақида домла биринчи бўлиб ёзишга ҳаракат қиладилар. Домла ижодни сарлавҳадан бошлайдилар. Топиб қўйилган сарлавҳа мақолага жон бағишлайди. Домла, ким ҳақида, нима ҳақида бўлсин, шунчаки ёзолмайдилар...


Ҳуршид Дўстмуҳаммад “Сиз Амруллони лотореяда ютгансиз”, деб бироз адашганди, назаримда. Домла билан бир ҳаводан нафас олиб, бир факультетда, бир кафедрада ишлаб кўп нарса ўргандим. Ҳам ҳаётни, ҳам ижодни англашда Сайди ака менга катта ёрдам берди. Ўйлаб қарасам, қувонч билан шуни айтишим керакки, лотореяда ютган мен эканман. Чунки оддий талабанинг етук мутухассис бўлиб чиқишида устозларининг ўрни беқиёс эканлиги бор гап. Аслида Сайди акага шогирд тушиш шарафига муяссар бўлиш лотореяда ютган каби эди.

Амрулло КАРИМОВ

“Урганч жануб газқурилиш” ОАЖ жамоаси



мамлакатимиз матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан табриклайди. Сиз азизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат, ижодий муваффақиятлар ёр бўлсин. Ҳамиша қаламингиз ўткир, айтар сўзингиз эл қалбидан жой олаверсин!



ҚУТЛОВ

Акциядорлик-тижорат “Пахта банк” жамоаси

матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касбий байрами

билан чин юракдан қутлайди.


Мустақил ва озод диёримиз тараққиёти йўлидаги заҳматли меҳнатингизда ҳамиша барака ва муваффақиятлар тилаймиз.



IIM Урангеология корхонаси жамоаси

27 июнь — ОАВ ходимлари куни билан юртимизда фаолият юритаётган заҳматкаш матбуот ходимлари ва матбаа вакилларини муборакбод этади.

Қутлуғ ва сермашаққат ишларида уларга куч-қувват ва матонат ёр бўлсин.



Ушбу кун чин маънода

маърифатпарвар ва фидойи инсонларнинг

касб байрамидир.



“Қарши қурилишгаз” ОАЖ жамоаси




озод диёримиз тараққиётига ўткир қалами, теран фикри ва уйғоқ сўзи билан бетимсол ҳисса қўшиб келаётган юртимиз журналистларини Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан самимий қутлайди.

Бу байрам мамлакатимизда матбуот, сўз эркинлиги, озод ва ҳур жамият қуриш йўлидаги ҳаракатларнинг нечоғли муҳим эканлигини англаган, азиз юртимизнинг порлоқ келажаги йўлидаги қувончу шодликларга ўзини шерик деб билган барча Ватандошларимиз учун ҳам катта шодиёнадир.

Машаққатли, лекин эзгу, савобли касб-корингизга барака тилаймиз, азиз журналист дўстлар!



«Бухоро—Навоий» халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослаштирилган таъмирлаш ва фойдаланиш корхонаси жамоаси




юртимиздаги жамики матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан чин қалбдан табриклайди. Сиз азиз ижод аҳлига мустаҳкам соғлиқ, букилмас ирода, жўшқин ижод завқини тилаймиз.

МАЪНАВИЯТ


“ҚЎҚОНАГРОҚУРИЛИШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

бугунги мўътабар кунда Сиз азиз дўстларни — матбуот ва теле-радио ходимларини касб байрамингиз билан чин дилдан қутлайди.
Қадрли журналистлар, Сизларга омад ва ижодий баркамоллик насиб этаверсин.









“НЕЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАР ШЕЪРИМИЗ БИЗНИНГ?”

“Мен Америка қитъасини қамраб олган курашга жалб этилган киши сифатида миссиям халқнинг кенг қамровда уюштирилган кучларига қўшилиб кетишдан иборат эканлигини англаб етдим”, деб ёзган эди жаҳонга машҳур Чили шоири, озодлик курашчиси Пабло Неруда.

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Сўз — инсоннинг бари-бари туйғуларини ифода эта олади. Барча юксак инсоний орзулар, халқ озодлиги, эрки учун кураш, аввало, сўздан бошланади. Атоқли Чили шоири Пабло Неруда ижоди, сиёсий фаолияти ибтидоси ҳам шундай бўлган эди. Эркка даъват, фашизмга қарши кураш хитоблари ҳам дастлаб вақтли матбуот орқали янгради. Вақтли матбуот озодлик учун, эзгулик учун курашда яловбардорлардан бўлди.

Озодлик куйчиси, оташин шоир Пабло Неруда шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган, шеърият мухлисларига унинг номи яхши таниш. Шуниси диққатга сазоворки, Пабло Неруда бундан анча йиллар аввал Ўзбекистонга ташриф буюрган, дунёга машҳур қадимий шаҳарларимизни зиёрат қилган. Айниқса, шоирга кўҳна Бухоро шаҳри жуда ёқиб қолган. У бу шаҳардан усталаримиз, ҳунармандларимиз қўлларидан чиққан миллий буюмлар, сопол идишлар, сўзаналар, турли осори-атиқалардан олиб кетган, Чилидаги уйининг бир хонасини Бухороча безаган ва уни “Бухоро уйи” деб атаган. Ўзи таъриф берганидай, бу ерда “Бухоро музейи”ни ташкил этган экан.

Биз ҳозир эътиборингизга ҳавола этаётган мақолада Пабло Неруданинг озодлик учун, юксак инсонпарвар ғоялар учун зиддиятларга тўла курашчан ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади (“Вег унд циль” газетасидан олинди, муаллифи Хельмуд Рици, Вена).

“Ялтираб ўчиши мисли бир кунлик капалакларга қиёсланмиш кўпдан-кўп адабий мукофот, совринларни олишимдан нима наф? Ҳаётимда Лотанинг тошкўмир қатламлари орасидан, кондан ҳолдан тойиб, силласи қуриб, гўёки жаҳаннамдан чиққандай, қуёшда чўғдай қизиган селитра конидан чиққан, кўзлари чангдан ёшланган, оғир, сермашаққат меҳнатдан башараси бужмайиб кетган киши олдимга келиб, худди пампа (Жанубий Америка дашти)нинг бутун харитаси тушурилган каби ғадир-будир, серажин қўлларини менга узатиб: “Мен сени танийман, биродар”, деган он мен учун энг бахтиёр лаҳза, энг катта мукофот эди бу”.

Пабло Неруда “Мен яшаганлигимни тан оламан” хотиралар китобида шундай ёзганди. Атоқли шоир ўзини “Ўз халқи шоири” деб аташга ҳамма асослари бор эди. Ким-ким, ундан бошқа ҳеч ким Пабло Нерудачалик Чили аталмиш она юрти ҳақида илҳом билан ҳаққоний ёза олмаган!

Ёш йигит Нефтали Рикардо Рейес Басуальто то Чили ишчи ва деҳқонининг биродари бўлмиш Пабло Нерудага айлангунча машаққатли ва узоқ йўлни босиб ўтди. Бу йўлда уни адашишга, чалғишга қўймайдиган алоҳида даврлар бўлди.

...1904 йилнинг 12 июль куни паровоз машинисти оиласида пешонасига бутун жаҳон адабиёти тарихида янги саҳифа очиш битилган ўғил дунёга келди. Бу бола қалбида гўдаклигидан ватанга теран муҳаббат куртак ёзди. Чилининг бетакрор

> *“Мени шахсан таъқиб қилаётганлари билан фахрланаман. Азоб чекаётган ва адолат учун курашаётган халқ ким жамият олдидаги бурчига содиқлиги-ю, ким унга хиёнат қилаётганлигини ўз кўзи билан кўриб, амин бўлганлиги учун ҳам фахрланаман...”*

гўзал табиати шоир Пабло Неруда учун бутун умри давомида туганмас илҳом манбаи бўлди. Шоир учун уйғунлик ва мукаммалик мужассам бўлган ана шу замин, тоғлар, денгизни умри бўйи куйлаб ўтди. Шоир асарларида “она табиат” тимсоли билан бир қаторда бошқа бир шеърий рамз — “халқ дарахти” ҳам пайдо бўладики, Неруда бу сўзлар замирида меҳнаткаш, бунёдкор инсоннинг энг юксак, олижаноб орзу-ўйларини назарда тутади. Айнан ана шу икки тушунча Неруданинг воқеликни бадиий идрок этиши асосини белгилаб берди.

Йигирма уч ёшга кирган, бу пайтга келиб Сантьягода шоир бўлиб танилган Неруда дипломатик хизматга киради. У Рангун, Коломбо ва Сингапурда умрининг беш йилини ўтказади. Бу ерда у “Ер — мен яшайдиган макон” китобининг биринчи қисмини тугатади. Бу тўпламни ташкил этган шеърларда Неруданинг ватан соғинчи, айриллиқ изтироблари акс этади. Шеърлар мустамлакачилар тупроғига тушиб қолган, бу ердаги тартибга кўника олмаган, уларга қарши туришга кучи етмаган ёлғиз одамнинг дил оғриқлари билан лиммо-лим эди.

1933 йилда Пабло Неруда Аргентинага консул этиб тайинланади ва ниҳоят ўз дўстлари билан учрашиш имкониятига эга бўлади. Шу пайтгача шоирни қийнаган изтироблардан асар ҳам қолмайди.

У Буэнос-Айресда испан шоири Федерико Гарсиа Лорка билан танишади. Уларни, то Гарсиа Лорка 1936 йилда фашистлар томонидан қатл этилгунга қадар, дўстона муносабатлар боғлаб турди. Неруда Гарсиа Лорка орқали ўша йиллар ҳур, исёнкорлик руҳи билан йўғрилган испан шеъриятини кашф этади. Республика даври испан адабиёти сабоғи Чили халқ шоирининг шаклланиб камолга етишида дастлабки поғона бўлади.

Пабло Неруда 1934 йили Барселонага, сўнгра 1935 йилнинг февраль ойида Мадридга консул қилиб тайинланади. У Гарсиа Лорка кўмагида “27 авлод” гуруҳидаги шоирлар билан алоқа ўрнатади. Улар орасида Висенте Алейсандре (1977 йилдаги Нобель мукофоти совриндори), Хорхе Гильен, Луис Сернуда, Педро Салинаслар бор эдилар. Шунингдек, Неруда Гарсиа Лорка билан биргаликда фашистларга қарши зиёлилар уюшмасини ташкил этган, кейинроқ жаҳонда тинчлик ўрнатиш ҳаракатида фаол қатнашган Рафаэль Альберти билан яқиндан танишади.

Чили ҳукумати Испанияда Франко фашист режими ўрнатилгач, назарларида республикачиларни қизғин қўллаб-қувватлаётган консулини Мадриддан чақириб олади. Пабло Неруда 1936 йили “Жаҳон шоирлари испан халқини ҳимоя қилади” тўпламини чоп этади. 1937 йил февралида Гарсиа Лорка хотирасига бағишланган нутқ ирод этади. У ўз нутқида Испания республикасини қонга ботиришга аҳд қилган қотилларни лаънатлайди. Апрель ойида эса Пабло Неруда Перу шоири Сесаро Вальехо билан биргаликда “Испанияга ёрдам Лотин Америкаси гуруҳи”ни ташкил этади, июлда эса Америка халқлари конгрессида Испания республикасини ҳимоя қилиб чиқади. У яна Маданиятни ҳимоя қилиш халқаро конгрессини ташкил этишда фаол қатнашади (1937 йил). Бу ишда унга Элюар, Арагон, Мальро, Вальехо, Гильен, Каррентьер сингари ёзувчилар ёрдам берадилар.

Пабло Неруданинг энг яқин дўстларидан бири Эрнан Лойола (1973 йил сентябригача Чили университети профессори бўлган) 1964 йили шундай деб ёзган эди: “Неруда шеъриятда ижод қилар экан, Испаниядаги фуқаролар уруши таъсири остида ўзи учун Чилини қайтадан кашф этди”.

Пабло Неруда 1937 йил октябрида ватанига қайтиб, маданиятни ҳимоя қилиш мақсадида Чили зиёлилар уюшмасига асос солади. Орадан бир ой ўтгач эса Испанияда фуқаролар уруши аланга олиши билан ёза бошлаган “Қалбимдаги Испания” китобини нашр қилади. 1939 йили Пабло Неруда дипломатик хизматга қайтади, Парижга жўнайди. У кейинроқ ўз мемуарларида махсус қайта жиҳозланган “Виннипег” юк кемасида Чилига фашизм зулмидан қочган испанларни ўтказиб юборишга муваффақ бўлганлигини “Ҳаётимдаги энг олижаноб миссия”, деб айтади.

1945 йил март ойида Пабло Неруда Тарапак ва Антофагаст вилоятларидан Чили сенатига сайланади. У “саводсиз ва ялангоёқ одамлар” вакили, селитра ва мис конлари ишчилари сайлаган депутат бўлади.

1947 йил октябрида машҳур шоир, сенатор Америка қитъаси халқларига Чилида озодлик ва демократияни ҳимоя қилишга даъват этган “Миллионлаб кишиларга очиқ мактуб”и билан мурожаат этади.

Ҳукумат доирасидагилар сенатор Пабло Неруданинг депутатлик дахлсизлигидан маҳрум қилиш учун бу мактубдан фойдаланиб қолдилар. У бунга жавобан миллий конгрессда ғазаб билан маъруза қилади:

— Мени шахсан таъқиб қилаётганлари билан фахрланаман. Азоб чекаётган ва адолат учун курашаётган халқ ким жамият олдидаги бурчига содиқлиги-ю, ким унга хиёнат қилаётганлигини ўз кўзи билан кўриб, амин бўлганлиги учун ҳам фахрланаман, — дейди Пабло Неруда.

Уни ҳибсга олиш ҳақидаги буйруқ узоқ куттирмайди. Шоир яширинишга мажбур бўлади, шу кунгача ўзи билмаган юзлаб одамлар унга ёрдам берадилар. Пикассо, Эльюар, Арагон сирли равишда жўнаши керак бўлган Пабло Нерудани Францияда кутиб оладилар. У биринчи тинчлик тарафдорлари конгресси минбаридан туриб, бутун инсониятга қуролланиш пойгасини жиловлаш, фашизмнинг томир отишига йўл қўймаслик даъвати билан мурожаат этади.

Ўтган асрнинг 73 йили Чили халқининг буюк шоири дунёдан кўз юмади. Аммо унинг ўтли шеърияти, озодлик, ҳурлик ва тинчлик йўлидаги қарашлари боқийлик тимсоли сифатида ҳамиша қадрланади.

Маъсума АҲМЕДОВА тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Бухоро вилоят бошқармаси жамоаси эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган юртимиз журналистларини касб байрамлари билан қизғин табриклайди. Юксак мақсадлар йўлидаги ишларингизга парвозлар тилаймиз.



Қувасой шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими жамоаси

Сиз — азиз Ўзбекистонимиз оммавий ахборот воситалари ходимларини касб айёмингиз билан қутлайди.




Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий ютуқлар ёр бўлсин.

ТАБРИК

Қашқадарё вилоят ташхисот маркази ва шифохонаси жамоаси

мамлакатимизда чиқаётган
газета ва журналларда,
радио ва телевидениеда меҳнат қилаётган
ижодий ходимларини касб байрамлари
билан чин қалбдан табриклайди.
Уларнинг сермашаққат ишига,
умрига барака тилайди.








Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмаси ходимлари

мамлакатимиз
оммавий ахборот воситалари ходимларини
касбий байрамлари билан кутлайди.
Бахт, омад ва улкан ютуқлар
Сиз билан бўлсин!





«Қўқонқурилиш» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни мамлакатимизда кенг нишонланувчи анъанавий касб байрамлари қаторидан ўрин олган.
Юртимизнинг барча матбуот ва матбаа фидойиларига оилавий бахт, ижодий баркамоллик тилаймиз.

«Бойсун сантехника» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

барча матбуот ходимлари, фидойи журналистлар, шунингдек севимли газетамиз "Ҳуррият" ижодий жамоасини Оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан табриклаб, уларнинг заҳматли ишларида омад тилайди.

АВВАЛИ

"Ҳуррият"нинг давоми учун қарор

22 сентабрда "Зарафшон" ширкати аъзоларининг умумий мажлиси барпо бўлиб, газетанинг олти ойлик ҳисоботи мажлисда арз этилди. Ва ҳисобот натижасидан газетанинг мазкур муддатда икки минг сўм миқдорида зарар кўрганлиги маълум бўлди. Сўнгра газетани давом қилдирмоқ ёки тўхтатмоқ масаласи мавқеъ музокараға қўйилди.

Бу тўғрида хейли гуфтгўлар бўлди. Муҳаррирларимиздан муҳтарам муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий жаноблари муассир бир нутқ ирод айтуб газетани давом қилдирмоқға далолат этдилар. Охири бил иттифоқ газетани давом қилдирмоқға қарор берилиб мажлисдаги ёшлардан ҳар қайсилари қўлларидан келганча моддий ва маънавий ёрдам бермоқға ваъда этдилар.

Аз жумла: ғайур ёшларимиздан Абдулаҳад афанди тарафидан беш юз сўм, Муҳаммад Носиҳ афанди тарафидан икки юз сўм нақди иона берилди. Газетамизнинг фидокор вакилларидан Раббимқули афанди Фарғона тарафиға муҳаррирларимиздан Ҳожи Муъин афанди Каттақўрғонға бориб обуна қайд этмоқчи бўлдилар. Ва бошқалари ҳам ушбу хусусда ёрдам бермоқға ваъда этдиларки барчаларига "Ҳуррият" идораси ва ноширлари тарафидан арзи ташаккур қилинур. Ёшасун ғайратли ёшларимиз!

Шуни ҳам ёзмасдан ўта олмаймизки "Зарафшон" ширкатининг таъсисидан асл мақсадимиз **моддий фойда бўлмай маънавий фойдадур.** Яъни қўлимиздан келгунча миллатимиз орасида нашр маориф ва ватан учун ожизона хизмат этмакдур. Шунинг учун биз ушбу йўлда бир неча минг сўм зарар кўрган ила бошлаган ишимиздан воз кечмай энг сўнгга қадар чидамоқға ҳозирмиз. Бизнинг муқаддас вазифамиз шул. Шунинг ила баробар ушбу ҳақиқатни ҳам яшира олмаймизки, бундай улуғ ишни муваффақиятли равишда бошқаруб давом қилдирмоқ хейли ғайрат ва фидокорликларни ижоб этади. Агар бу саъй ва ғайратлар иккиға бўлунуб бир қисми иш бошқарувчилар бўйниға, иккинчи қисми миллатнинг баъзи вакилларига юкланса ишнинг осонлик ва муваффақиятлик суръатда давом этиши шубҳасиздир. Ушбу қисқағина муқаддимадан муҳтарам вакил ва қориларимиз англағон бўлсалар керакким газета бизники эмас, миллатникидур. Бизнинг вазифамиз ёзмоқ, тарқатмоқ, миллатнинг иши олмоқ, ўқимоқдур.

Агарда муҳтарам вакил ва ўқувчиларимиз газетанинг нашр ва таъмими хусусида маъовнат (ёрдам) маорифпарвароларини дариғ тутмасалар шубҳа йўқки газетамизнинг давоми ва истиқболи таъмин қилинган бўлур. Ғайрат биздан, тавфиқ (муваффақият) Оллоҳдан.

Ҳ. – М. Ш.
"Ҳуррият"
1917 йил 26 сентабр.
Нашрга тайёрловчи:
Аъзам УМАР

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, таниқли журналист ва таржимон, Ўзбекистон санъат арбоби

ЭЛБЕК МУСАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

МАДАНИЯТ

Халқаро "Навруз" хайрия жамғармаси Қашқадарё вилоят бўлими жамоаси

вилоятимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган оилавий ахборот воситалари ходимларини касб байрамлари билан самимий ва қизғин табриклайди.

Барча матбуот аҳлига соғлиқ, ишларига ривож тилаймиз.









ЁШЛАР ИЖОДИ

НОСИР (Носиржон ЖЎРАЕВ) Наманган вилояти Наманган тумани Шўрқўрғон қишлоғида туғилган. 2007 йили Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетининг магистратура босқичини тамомлади. Ҳозирда "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида фаолият юритмоқда.

Ялпизлар — иболи қизнинг суврати

ЖАВЗО

Росмана барг ёзиб бўлди чинорлар,
Қаноти узайди капалакларнинг,
Тўғриси, ҳаяжон кучайган кунда
Кўнглинг кўп тусайди капалакларни.

Терак илдизини чархлайди сувлар,
Ялпизлар — иболи қизнинг суврати,
Бир умр термилиб ўтган бўлардим,
Агар бир умрга етса қувватим.

Узумнинг баргини тешиб ўтар нур,
Олачалпоқ жойда тилларанг доғлар.
Чорпояда ғариб ўлтирар онам
Девона ўғлига умидлар боғлаб...

Эски дарвозалар эскича инграр,
Кўчалар айланиб, манзил излайди.
Мен эса қўмсайман, капалак каби
Бир пайтлар кўнглимдан учган ҳисларни.

Ўзиям билмасдан умри қисқариб,
Қаноти узайди капалакларнинг.
Аслида, юрагинг сиқилган кунда
Кўнглинг кўп тусайди капалакларни.

СОҒИН

Соғин,
Ҳамма сенга бошқача боқсин,
Ҳамма ҳайрон бўлсин ақлли қиздан.
Кафтларинг изимдан хайрлар қоқсин,
Мен ахир хазонман бу йилги куздан.

Соғин,
Зерикарли уйнинг ичида
Хаёлингни ишғмай, сочингни йиғмай.
Юрагинг оғрисин соғинч кучидан
Суратимга йиғла, сабрингга йиғла.

Соғин,
Ёшинг томиб япроқ зангласин,
Шамоллар келтирсин совуқ жазони.
Менинг фожиамни кимдир англасин,
Мен ахир бу йилги кузнинг хазони.

Соғин,
Кечалари кўзинг қизарсин,
Хотирамга йиғла, ёдимга йиғла.
Сўнгги умид билан тонгинг бўзарсин
Ва мени эслаб ёт жойингни йиғмай.

ШУБҲА

Бетон ариқларни хазон босган дам
Бойчечак қиз бўлиб кирар тушимга.
Бугун камлик қилар бир гулу кўклам
Сен ҳақда ўйланиб ўлтиришимга.

Ёнингда сезмасанг бир қиз нафасин,
Бир пул нарса экан туйғу, эҳтирос.
Беш йил ҳижрон бўлиб айланди фасл,
Беш йил сени кўрмай шеър ёзганим рост.

Жилғалар оҳанги кун сайин сийқа,
Қушлар товушининг қолмади фарқи.
Қайтақол, бир марта дардимни илғаб,
Кўзимга суртаман, бинафша барги.

Ҳар гал ёдинг олиб қайтмаса баҳор,
Ўзимдан кетардим, издан чиқардим.
Ҳар бир ҳуш қилиғинг хотирамда бор,
Тўғриси, исмингни эсдан чиқардим.

Майли, қиз боласан, ноз қилгин турфа,
Чегараси билан араз қил, ийман.
Мени қийнаётган бошқа бир шубҳа —
Ёлғизлик ўзингга ёқяпти, дейман.

ЁМҒИР

Ёмғирни севардим сени топгунча,
Эҳтимол, сувпараст, куйпараст эдим.
Ёмғирдан ғўзалроқ келдинг, гулғунчам,
Ёки мен дунёга янгидан келдим.

Қай шамол ифоринг менга йўллади,
Қайси тоза кунда сени кутгандим.
Бунгача бунақа севги билмадим,
Тўғриси, унутгандим.

Ёмғир. Ҳар бир томчи ерни титкилар,
Мен эса титаман кўнглингдан ични.
Бармоқларим куйди сочингни силаб,
Кўзингга тик боқиб қасамлар ичдим.

Дераза ёнида иккита ҳадик —
Икkита телбани кўрганми олам?
Биз бундан чиройли кунни кўрмадик,
Биз бундан бошқани истамасдик ҳам.

Ёмғир чалганмиди айрилиқ куйни,
Манглайдан дил қадар сирғалади сув.
Гулим, мен афсуслар чекмасдан қўйдим,
Ахир мен севгимни айтиб бўлдим-ку!

Биламан, ўшандан бери ёлғизсан,
Ўша кундан бери юзинг қирмизи.
Гулим, мени эслаб, совуқни сезсанг,
Деразанг ёпиб қўй, ёмғир кирмасин.

ФИКР

✓ ***Одам яхши бўлса, унинг Ватани ҳам яхши бўлади.***

Япон мақоли

СПОРТ

ЭРОНЛИК МУРАББИЙНИНГ ЯНГИ РЕЖАСИ

Қиш фаслида Эрон терма жамоасининг собиқ бош мураббийи Амир Ғолиноийни "Пахтакор" футбол клубига келар эмиш, деган гап тарқалган эди. Ўшанда "Пахтакор" жамоаси раҳбарлари бу хабарни миш-мишга йўйишганди. Бироқ яқинда Осиё футбол конфедерациясининг расмий веб-сайти Ғолиноийнинг Тошкентга келиши ҳақида хабар тарқатди.

Айни кунларда Амир Ғолиноий бошчилик қилаётган Эроннинг "Истиқлол" футбол жамоаси мамлакат кубоги финалининг жавоб учрашувида "Пегах" клубини 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, мамлакат кубоги соҳиби бўлишди.

– Мухлислар жамоамизни ўйиннинг сўнгги дақиқаларига қадар қўллаб-қувватлаб турди ва бизни ғалаба қозонишимизга катта ёрдам берди. Бунинг учун уларга катта раҳмат. Биз жамоа билан ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришдик. Энди эса мен Ўзбекистонга бораман. У ердан менга ажойиб таклиф тушган,– деб интервью берган мураббий учрашувдан сўнг.

ЛАЙЛО ЯНА БОКСГА ҚАЙТМОҚЧИ

Афсонавий боксчи Мухаммад Алининг қизи Лайло Али яна бокс билан шуғулланмоқчи эканлигини маълум килди. Боксчи фарзанди туғилиши биланоқ рингга қайтади. У ҳозирданоқ бўлғуси ўйинлар режасини тузаяпти.

– Кўпчилик мени отасининг изидан боргани боис бокс билан шуғулланяпти, деб уйлайди. Одамларни боксни яхши кўрганим учун шуғулланаётганимга ишонтиришим қийин. Мен буни исботламокчи эдим ва бунинг уддасидан чикдим ҳам. Ҳозир эса бошқа имкониятларни қидиряпман, – дейди Лайло журналистлар билан мулоқат чоғида.

Спортчининг навбатдаги жангги ким билан бўлиб ўтиши ҳозирча номаълум.

Аммо баъзи норасмий маълумотларга кўра, россиялик мутлақ жаҳон чемпиони Наталья Резникова унинг жорий йилдаги биринчи рақиби бўлиши мумкин.

ДИНАРА САФИНА ҲАМ ОЛИМПИАДАГА БОРАДИ

Дунёнинг саккизинчи рақамли ракеткачиси Анна Чакветадзе шу йилда Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиадада иштирок этишдан воз кечди. Шунинг учун ҳам теннисчи Россия терма жамоаси капитани Шамил Тарпишевга мурожаат қилиб, унинг ўрнига Динара Сафина мусобақада қатнашишини сўраган.

– Мен ўтган йилларга қараганда бу йилда яхши натижаларга эриша олмадим. Бунинг бир қатор жиддий сабаблари бор, албатта, деб айтган Чакветадзе яқинда ўтказилган матбуот конференциясида.

Эслатиб ўтамиз, шу йилнинг январь ойи ўрталарида теннисчининг шаҳар четидаги уйига куролланган шахслар ҳужум қилганди. Спортчи ва унинг оила аъзоларига ҳеч қандай тан жароҳати етказилмаган бўлса-да, бу воқеа Чакветадзе учун жиддий руҳий зарба бўлгани тайин.

Энди Динара Сафина ҳақида айтадиган бўлсак, бу мавсумда кўплаб ютуқларга эришди. У дастлаб Берлинда, сўнг эса Франция очиқ чемпионатида ғолибликни қўлга киритгани ҳаммага маълум.

Шундай қилиб, россиялик Олимпиа делегацияси аъзолари Мария Шарапова, Светлана Кузнецова, Елена Дементева, Николай Давиденко, Михаил Южний, Дмитрий Турсунов ва Игор Андреевлар сафидан Динара Сафина ҳам ўрин олди.

Моҳру РЎЗМАНОВА тайёрлади.

ҲАНГОМА

Раҳим аканинг Зиёфати

Кичик ролларни ўйнаб шуҳрат қозонган Раҳим Пирмуҳамедов кўринишдан содда, бўш-баёв бўлгани билан ичидан пишган киши эди. У улфатларига анчадан бери ош қилиб беришни ваъда қилгандию негадир зиёфатни чўзиб келарди. Бир куни ошналари жиндай ёлғон қўшиб ҳазиллашдилар.

— Раҳим ака, якшанба куни фалон самоварда ош бўладиган бўлди, деб улфатларни айтиб қўйдик. Энди иложингиз қолмади. Хоҳласангиз ҳам, хоҳламасангиз ҳам меҳмон қиласиз. Бўлмаса ҳамма устингиздан кулади.

Раҳим ака энсасини қашлаб туриб қолди.

— Ҳай, майли, — деди у, — ош бўлса ош-да. Якшанба куни ўша "самовар"га келаверинглар.

Раҳим ака ичида кулди: "Сенлар менинг розилигимсиз ош буюриб қўйибсанларми, мен ҳам сенларни бир боплаганим бўлсин".

Жума ўтди, шанба ўтди. Якшанба куни Раҳим ака эрта билан бемалол туриб йўлга тушди. У билади, ҳар куни соат 11-12 ларда театрларда репетитция, демак оғайнилари ишга кетган бўлади. Ҳайиқмай уларникига бориб истаган нарсани сўраш мумкин.

Раҳим ака тўғри Шукур Бурҳоновнинг уйига борди. Шукур аканинг рафиқаси чимкентлик, демак у кишиникида яхши қазилар бўлиши керак, деб ўйларди Раҳим ака.

Шакархон ая кутилмаган меҳмонга ҳайрон бўлди.

— Келинг, Раҳимжон ака, тинчликми?

— Тинчлик, — деди Раҳим ака, — мени Шукур акам юбордилар. Бугун улфатлар тўпланишиб ош қилишмоқчи экан. Шунга Шукур ака, Раҳимжон, бизникига боргинда, иккита қази олиб кел, дедилар.

Шакархон ая Шукур аканинг қон босими борлигини, у киши қази-қартани хуш кўрмаслигини билса-да, иккита йўғон қазини ўраб-чирмаб тутқазди. Раҳим ака Шукур аканикидан чиқиб Наби Раҳимов хонадонига борди. Наби ака коньякни яхши кўради, деб эшитган эди. Иккитагина топилар деб ўйлади. Наби аканинг хотини ҳам хўжайин юборган бўлса, бижонидил деб икки шиша армани коньякни сув қоғозга ўраб берди.

Хуллас, Раҳим ака тушгача улфатларининг биринкидан гўшт, бировидан ёғ, яна бирисидан гуруч ундириб ошнинг масаллиғини тўла бутлаб қўйди. Сўнг қалтис ҳазил қилиб Раҳим акани уялтирмоқчи бўлган ошнасига телефон қилди:

— Хўв ошхўр, фалон самоварда қозон осиб, ўчоққа ўт ёқиб ўтирибман. Соат олтида етаклашиб келаверинглар.

Айтилган вақтда улфатлар тўпланди. Ҳазил-ҳузул, аския, мутойиба билан ош ҳам ейилди. Дастурхонга фотиҳа қилинди.

— Қани, омин, — деди жўрабоши, — илоё Раҳимжоннинг бири икки, ўни минг бўлаверсин! Эчкининг думидек кичкина ролларни ўйнасада туянинг қорнидек катта обрў олаверсин! Гоҳо-гоҳо мана шундай эриб туришдан чарчамасин, оллоҳу акбар!

Раҳим ака одатдагидай ним табассум ила дўстларига ташаккур айтди:

— Сизларга раҳмат! Хонадонларингга барака берсин. Сизлар бўлмаганда бозорга тушишга мажбур бўлардим. Бахтимга омон бўлинглар...

Раҳим аканинг нега раҳмат айтганини улфатлар уйларига борганда билишди.

— Оббо-о! Ўзимизнинг ошимизни ўзимизга едирибди-да бу Насриддин афанди, — деб қотиб-қотиб кулдилар.

КУЛГИ

«Мен уйда йўқман...»

Оноре де Бальзакка кредиторлар тинчлик бермасди. Бир куни ёзувчи эшиги тақиллаётганини эшитиб, жавоб қайтарди:

— Мен уйда йўқман.

— Ёлғон гапирманг, — овоз келади ташқаридан, — эшик ёнида туфлингиз турибди-ку.

— Нима бўпти, — қувлик билан жавоб қайтаради Бальзак ҳам, — мен кўчага шиппак кийиб чиқиб кетганман.

***

Актриса Марлин Дитрих гўзалликда донг таратиб, машҳурлик чўққиларини забт этиб турган кезларида ундан мухлислари ҳақида сўрашганда, шундай деган экан:

— Улар теннис ўйини томошабинларига ўхшайди. Фарқли томони теннисда одамлар муттасил равишда ўнгдан чапга қарашади, булар эса юқоридан пастга.

***

Наполеон Бонапарт болалигида аълочи ўқувчи эмасди. Аммо ўзининг ҳозиржавоблиги, шумлиги билан аждаралиб турарди. Бир куни ёнғин чиқиб, синф ёниб кетади. Дарс бўлмаслигидан дўстлари хурсанд бўлиб турганда, бўлажак император уларни ҳушёрликка чақиради:

—Нега хурсанд бўлаяпсизлар? Ҳали ўқитувчимиз тирик!

***

Бир куни машҳур дирижёр Артуро Тоскани кўчада туфли тозалаётган болани кўриб тўхтайди.

— Синьор туфлингизни тозалатасизми? — сўрайди ҳаммаёғи кирчир бўлиб кетган болакай унга тикилиб.

— Йўқ, — дейди Тоскани, — лекин ҳозироқ бориб, ювиниб келсанг, сенга битта тилла танга бераман.

Болакай чопқиллаб бориб, юзини ювиб келади ва тилла тангани қўлга киритади. Кейин бирданига уни дирижёрнинг ўзига қайтариб бериб, дейди:

— Мана, олинг, сиз бориб, соч-соқолингизни олдириб келинг.

Иномжон АБДИЕВ тайёрлади.

HURRIYAT O'zingni anglat! Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ, Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-23-13, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 **Тел-факс:** 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухорода — 8-365-715-30-57
Самарқандда — 8-366-233-62-12
Сурхондарёда — 8-376-335-10-22
Тошкентда — 8-370-76-21-934
Фарғонада — 8-373-225-80-58
Хоразмда — 8-362-226-20-80
Қашқадарёда — 8-375-221-78-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Азим РЎЗИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 21.30

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-554 Адади: 7020 1 2 3 4 5 7 8